




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 АПРЕЛЬ

№ 80-81  
(1597-1598)  
**ШАНБА**  
1997 йил

# ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНИ...



4-БЕТ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 11 апрель куни Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди.

Республикаимиз раҳбари Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, жаноб В. Биркавснинг мазкур ташрифи икки мамлакат алоқаларининг янада ривож топишига хизмат қилади, дея ишонч билдирди.

В. Биркавс Латвия Ўзбекистон билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини қайд этиб, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатида танлаганимиз тўғрилигини вақт исботламоқда, деди.

Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, турли соҳалар бўйича имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тўла татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

(ЎЗА)




12-БЕТ



8-бет



16-БЕТ



11-бет



13-бет

**ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН  
МАНФААТЛАРИГА  
ХИЗМАТ ҚИЛСИН**

11 март куни республика Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуининг мажлиси бўлди. Унда жорий йил биринчи чорагида ижтимоий соҳада ислохотларнинг бориши яқунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, «Ўзфармсанаят» концерни раиси Қ. Шодиев, маданият ишлари вазири ўринбосари М. Абдуқундузов ва бошқаларнинг ана шу ҳақидаги ахборотлари тинланди.

Мажлисида таъкидландики, мазкур мажмуа таркибига кирувчи вазирликлар, қўмита, идора ва ташкилотларда дастлабки чорак режаси бўйича муайян иш ва тадбирлар амалга оширилган. Шу билан бирга, улар тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий мустақил фаолият юритиш учун зарур шароит яратиш, ўзаро дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш борасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Тармоқларнинг четдан келтириладиган хомашёга қарамлигига чек қўйиш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ишларини фаоллаштириш зарур.

1997 йил мамлакатимизда инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Ҳисобот даврида бу борада кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Шунинг назарда тутиш лозимки, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг кўп қисми ушбу мажмуа таркибидаги вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар ҳисобига тўғри келади. Бу эса уларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, барча саноат-хўжалик йўналишларида юртдошларимиз манфаатларига хизмат қилиши даркор.

Мажлисида мутасадди раҳбарларга ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, ўтказилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларини янада кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

(ЎЗА).

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА  
УЧРАШУВ**

11 апрель куни мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс Ўзбекистон Бош вазирини ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ҳамда молия соҳаларида, хусусан, банклараро ҳамкорликни кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА).

**БИТИМ ИМЗОЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 11 апрель куни мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳар икки мамлакат ташқи сиёсатидаги йўналиш халқаро муносабатларда бир-бирига мос тушаётгани таъкидланди.

Музокаралар сўнггида А. Комилов ва В. Биркавс икки давлат

ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Латвия ҳукуматлараро комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шунингдек, ҳуқуқий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақидаги аввал имзоланган шартноманинг ратификация ёриқлари алмашилди.

Музокаралар чоғида Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

**ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН**

**МУКАММАЛЛИК ҲАР БИР ҚОНУНГА ХОС**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА билан суҳбат**

-- Гулнора Ботировна, Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни қандай кечди?

-- Ушбу қонун лойиҳаси ҳаётини зарурат туфайли вужудга келди, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, фармацевтика соҳасида ҳам ислохотлар туфайли катта ўзгаришлар юз берди, янги тузилмалар ташкил этилди. Доридармонларни ишлаб чиқаришдан тортиб то фойдаланишгача бўлган барча босқичларда қатъий назорат ўрнатиш, соҳага ягона давлат ёндошувини йўлга қўйиш зарурати пайдо бўлди. Аҳолининг хавфсиз ва сифатли дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси долзарб вазифа бўлиб турган бир пайтда бир қатор муаммолар юзага келдики, уларни бартараф этиш учун бу соҳада ҳуқуқий тартиб ўрнатиш эҳтиёжи туғилди. Кўпинча дори-дармонлар мутлақо назоратсиз етказиб берилганлиги ва сотилаётганлиги соғлиқни сақлаш соҳасига жиддий зарар етказиши мумкин. Ушбу қонун лойиҳаси эса бундай ҳолларни чеклайди. Биз қонун лойиҳасини тайёрлашда соғлиқни сақлаш, Молия, Адлия, Ижтимоий таъминот, Меҳнат, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ҳамда фармацевтика саноати уюшма-

си билан келишган ҳолда иш олиб бордик. Энг малакали мутахассисларни жалб қилдик. Уни тайёрлашда АҚШ, Россия, Литва, Молдова, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон сингари мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари, шунингдек, Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро фармацевтика федерациясининг тавсиялари ўрганиб чиқилди.

Юзга яқин тақлифлар олинди. Уларнинг барчаси ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб фойдаланилди. Қонун лойиҳаси Америка Ҳуқуқшунослар уюшмаси ва Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида экспертизадан ўтказилди. Улардан тушган тақлифларнинг аксарияти иш жараёнида ҳисобга олинди.

-- Гулнора опа, қонун лойиҳасининг қайси жиҳатларини таъкидлашни истардингиз?

-- Конституциянинг 40-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу мажмуа 17 та модданан иборат. Унда фармацевтика соҳасининг ҳуқуқий асослари ифодаб берилган. Аҳолини дорилар билан таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатлари 3-моддада ифодаланган бўлиб, унда дори воситаларининг асосий турлари етарли бўлиши таъкидланган. Бундай дори-дармонлар турига давлат буюртмасидаги 877 та номдаги дори кирилади. Шунингдек, бу моддада ушбу дорилар қўлланилганда соғлиққа зарар етказган тақдирда бемор-

ни ҳимоялаш кафолати ҳам белгилангандир. Ушбу модда, жумладан, тиббиётда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча шакллари билан муомала қилишни тақиқлайди. Давлат соғлиқни сақлаш объектларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан бюджетсиз таъминлаш ва энг муҳими, уларнинг сифати ва нархлари устидан назоратни амалга ошириш давлат органларининг ваколатларига кирадиган асосий жиҳатлардан бири бўлиб, бу қонун лойиҳасининг 4-моддасида ўз аксини топган. Лойиҳада дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сотиш тартиблари ҳам бор. Бугунги ҳаётимизга рекламалар оқими, жумладан, дори перепаратларини реклама қилиш кириб келди. Рекламалар кўпинча тижорат мақсадини кўзлаб қилинмоқда. Бизга эса дориларни ахлоқодоб доирасида, юксак дид билан реклама қилиш, одамлар соғлигини сақлашда шифокорларга кўмаклашадиган рекламалар зарур. Шуларни ҳисобга олиб, 16-моддада дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ахборотлари нормалаштирилган.

Ушбу ҳужжат дори-дармонларни ишлаб чиқариш ва сотишни ҳам тартибга солишни назарда тутди. Унинг 13-моддасида дори воситалари фақатгина дорихона муассасаларида сотилиши, дорихоналар

ишини бошқариш фақат олий махсус фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилиши кўрсатилган. Унда дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларини фармацевтика соҳаси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқига эга эканликлари асослаб берилган.

-- Қонун лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш назарда тутилганми?

-- Албатта. Қонун лойиҳасида фуқароларнинг айрим тоифалари -- Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, байналмилалчи жангчилар ва бошқа ижтимоий ҳимояга энг муҳтож бўлган шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш кўзда тутилган. Қонун лойиҳаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига бундай шахсларни дорилар билан имтиёзли таъминлаш вазифасини юклайди. Бу имтиёзга эга бўлган шахсларнинг тоифалари рўйхати республика ҳукумати томонидан белгиланади. Булардан кўринадики, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий жиҳатдан кучли қўллаб-қувватлаш сиёсати барча жабҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қадам-бақадам ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўйлайманки, ушбу қонун лойиҳаси бўлажак сессияда депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади.

«Халқ сўзи» мухбири  
**Ойбек РАҲИМОВ**  
суҳбатлашди.

**Йил бошидан буён Самарқанд вилоятида саноатнинг нодавлат сектори анча ривожланди, меҳнат унумдорлиги бирмунча ошди. Утган йилнинг биринчи чорагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш салкам 15 фоиз, халқ истеъмол моллари тайёрлаш эса қарийб 30 фоиз кўпайди.**

Вилоят фаолларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий йил биринчи чораги яқунлари ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди.

**ҲАР ИШДА ТАШАББУСКОРЛИК БЎЛСИН**

Сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалигида ҳам йил хайрли келганини таъкидладилар. Ёгин-сочин кўп бўлиши туфайли сувли ва лалми ерларда ғалла экинлари яхши етилмоқда. Мўл пахта ҳосили олиш учун пўхта замин яратилмоқда. 20 минг гектар майдонда чигит плёнка остига экилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маданий-маърифий соҳаларни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга

оширилмоқда. Айни вақтда баъзи тармоқларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Масалан, «Красний двигатель», лифтсозлик, бурғулаш асбоблари ишлаб чиқариш корхоналарида илғор иш усулларини қўллашга етарли эътибор берилмапти. «Мевасабзавотузум-саноат»га қарашли корхоналарда силжиш умуман кузатилмапти. Вилоятда дебиторлик ва кредитор-

лик қарзлари қамаймаяпти. Савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу камчиликларга барҳам бериш мутасадди раҳбарлардан катта ташкилотчилик ва ташаббускорликни тақозо этади.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Мардиев сўзга чиқди.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

КУЛАЙЛИК

# УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЖАНУБГА ЙЎЛ ОЛДИ

Термиз шаҳрида уяли телефон алоқасининг янги мажмуи ишга тушди



Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг хайрихоҳлиги, «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси ҳамда маҳаллий электр алоқаси корхонаси раҳбарлари ва мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан зарур миқдордаги маблағ излаб топилди, бинолар тайёрланди. Океан ортидан олиб келинган «Телос» фирмасининг энг янги ускуналари учун эса алоқа узели биноси тепасига 28 метрлик темир панжарали минора ўрнатилди.

Югославиянинг Никола-Тесла компанияси иштирокида қурилаётган рақамли маҳаллий АТС ёнида уяли алоқанинг коммутация ва базавий станцияси ускуналари жиҳозланди.

Шундай қилиб, мажмуа тайёр бўлди ва у тажриба тариқасида ишлаш бошлади. Унинг қуввати 1000 номер уяли телефон алоқасига мўлжалланган. Шундан дастлабки, яъни ишга тушириш босқичида 270 та номер ишлаш бошлайди.

Қулларида чаққон телефон аппаратлари бўлган бир неча абонентлар янги алоқа сифатини амалда ҳис этибгина қолмай, супер телефон ёрдамида ўзларининг кундалик юмушларини 40 километргача бўлган доирада муваффақият билан ҳал этмоқдалар. Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги зоналарда ҳам эфир, ҳам ер иншоотлари орқали сўзлашувлар ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошяпти.

Иш жойлари ва ҳаётда тенги йўқ ёрдамчи бўлмиш уяли телефон

республиканинг саккизта вилоятидаги ва умуман, жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатларидаги каби Термиз шаҳри атрофидаги абонентларни ҳам гоёт хушнуд этаётир. «Ўздунробита» қўшма корхонаси томонидан республиканинг ва ҳатто МДХнинг энг жанубий бурчагида барпо этилган уяли тармоқ иқтисодиёт, бизнес манфаатларига, кўплаб кишиларнинг турмушидаги қулайликларни янада оширишга хизмат қилишга даъват этилган.

Шу кунларда «Ўздунробита» қўшма корхонаси мутахассислари тармоқни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш билан машғуллар. Қўқон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида уяли алоқа тармоқларини барпо этиш вазифаси уларнинг диққат марказларида турибди. Бу шаҳарларда замонавий супер алоқа яқин 1,5-2 ой ичида йўлга қўйилиши лозим.

Радиотелефон аппаратларининг қай йўсинга тарқалишига қараб, қисқа муддат ичида абонентлик тармоғи яна камида 2000 тага кўпаяди ва жами 11 мингдан ошади.

Тошкентдаги бош корхона ва унинг республикадаги ҳамма филиаллари абонентлик хизматларига энг самарали замонавий алоқа воситаси бўлган уяли телефондан фойдаланишни истаётганлардан ҳар куни янги-янги аризалар тушиб турибди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ТАДБИРКОРГА КЎМАКДОШ

# ИШБИЛАРМОНЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Масъулияти чекланган жамият — Андижон бизнес-инкубатори -- «Бизнес-имкон»ни бугун вилоят тадбиркорлари жуда яхши билишади. Чунки кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда унинг хизмати катта бўлаяпти. Айни пайтда «Бизнес-имкон» хизматидан 30 дан ортиқ кичик корхона ва деҳқон (фермер) хўжаликлари фойдаланаяптилар. Масалан, унинг йўлланмаси билан ҳозир «Назирабону» хусусий қандолатчилик фирмаси бошлиғи Жамила Қосимова Америка Қўшма Штатларидаги Омака университетининг 15 ойлик курсида бепул таълим олмоқда. Бу тадбиркор аёл инглиз тилини ҳам «Бизнес-имкон»да ўрганди. Шунингдек, «Икромжон», «Рўзиматов» хусусий чорвачилик фирмалари, «Замон», «Умид-94», «Отабек-32», «Ахтар», «Кудрат-81», «АндЧетек» корхоналари ҳамда «Кардиология маркази» ҳиссадорлик жамиятининг иш фаолияти «Бизнес-имкон» мутахассислари томонидан таҳлил қилиниб, бизнес режалари янада такомиллаштирилди ва барча ҳужжатлар чет эллардаги ҳамкорларга тавсия қилинди.

Бу йил бизнес-инкубатор 10 та кичик корхона ва хўжалик билан ўзаро шартномалар имзолади. Улар учун бизнес режа

тайёрланмоқда, ўқувлар уюштирилмоқда. Иккита инглиз тили, битта компьютерда ишлаш гуруҳидаги йигит-қизлар замонавий бизнес сирларидан воқиф бўлишмоқда.

Бизнес-инкубатор таклифи билан америкалик мутахассислар Боб Хайет ва Жорж Янг вилоятда бўлиб, қирққа яқин корхонанинг бизнес режаси, молиявий аҳволини ўрганишди. Уларнинг тавсияларига биноан, «АндЧетек» фирмаси ва «Кардиология маркази» ҳиссадорлик жамияти ҳақидаги маълумотлар ва бизнес-таклифлар АҚШ элчихонаси қошидаги бизнес марказига ҳамда АҚШ савдо вазирлигининг ойлик ахборотномасига тақдим этилди.

Бугунги кунда «Бизнес-имкон» томонидан Буюк Британиядаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими, уларнинг ўқитиш услублари атрофлича ўрганилмоқда. АҚШдаги Трент университети «Бизнес-мактаби» «Бизнес-Линк», «Ди-Ти-Ай» халқаро бизнес ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилияпти.


Буларнинг ҳаммаси тадбиркорликка кенг йўл очмоқда.

Ш. ОДИЛЖОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



ҚАРЗИНГИЗНИ ҚАЧОН УЗАСИЗ?

# «ҒАТ-ҒАТ» ҚИЛГАН ҚАРНАЙЧИ



Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида қарздорлик фактлари камаймаётганилиги ташвишлидир. Жойларда пул айланиши суст. Натижада иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни тўлашда узилишларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳолни Қашқадарё вилоятида ҳам кузатиш мумкин.

Солиқ ташкилотларининг ҳисоб-китобига қараганда, вилоятда кредиторлик қарзлари 15 млрд. 133 миллион 500 минг сўмга, дебитор қарзлар 24 млрд. 160 миллион 200 минг сўмга етди. Юридик шахсларнинг бюджетдан қарзи ҳам кам эмас: 9 млрд. 824 миллион 800 минг сўм. Бу рақамларни таҳлил қилиб кўрсангиз, вазият ўз-ўзидан ойдинлашади.

Хўш, асосий қарздорлар кимлар? Уларнинг катта қисми ёки 5715,5 миллион сўми нефть ва газ саноати корхоналари «ҳиссаси»га тўғри келади. Биргина Муборак газ конлари бошқармасининг жами қарзлари 3 млрд. 392 миллион 89 минг сўмдан зиёд. Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртангаз» газ конлари, Қарши нефть ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам тўловларни ўз вақтида қайтаришга панжа орасидан қаралаётир. Масъул корхоналар фақат жарималар ҳисобидан миллион-миллион маблағни кўкка совиришга қандай тушуниш мумкин?

Халқимизда «Ғат-ғат қилган қарнайчи, балога қолган сурнайчи» деган нақл бор. Юқори ташкилот раҳбарларининг устма-уст койишлари ҳам, солиқ ташкилотларининг текшириш ва дашномлари ҳам қутилган натижани бермаяпти. Бўзгича қарзга ботган ташкилотлар-

дан бири Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидир. Фарғоналик истеъмолчилар газ ва нефтни истаганча олишяпти-ю, ҳисоб-китобга келганда ношудлик қилияптилар. Тўғри, ҳозирги иқтисодий шароитда қарзларни ўз вақтида қайтариш ҳеч кимга осон эмас. Лекин излаган имкон топаяпти-ку. Икки ўртада оддий меҳнаткашга қийин. Баъзи корхона, ташкилот раҳбарлари эса, бу ташвишли ҳол олдида томошабин бўлиб қолишаётир.

Нима, республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони уларга даҳлдор эмасми? Ахир, Фармон бекорга чиқарилмайди-ку? Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ўтган йили «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида» бир эмас, иккита қарор ва махсус Низом қабул қилди. Афсуски, бу муҳим ҳужжатлар ҳам ҳаётда ўзининг тўлиқ аксини топмаяпти.

Қарз -- омонат, бировнинг ҳақи. Уни ўз вақтида қайтариш нафақат фуқаролик, балки муҳим виждоний бурчимиздир. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси матбуот гуруҳининг раҳбари.



**Фарғоналик деҳқонлар ўтган йили андижонлик пахтакорлар олдида анча мулзам бўлиб қолишди. Бир дарёдан сув ичиб, бир хил шароитда деҳқончилик қилинганига қарамай, Фарғонада режа уддаланмади. Андижонликларнинг пешқадамлик сири плёнка остида пахта ўстиришда эканлиги бугунги кунда кўпчиликка аён. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг кўзидан бошлаб Фарғона билан Андижон ўртасида деҳқонлар, техника ихлосмандлари, хўжалик раҳбарларининг борди-келди-си авж олди.**

Гап бунда эмас, асосийси фарғоналиклар пахтачиликдаги илгариги шухратларини тиклаш учун, албатта, Андижон технологияси зарур эканлигини англаб етишди. Шунинг учун ҳам бу йил вилоят бўйича камида 20 минг гектар майдонга плёнка остига чигит экиш режалаштирилган.

-- Бундан икки йил аввал кўшни Асака туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида плёнка остига чигит экилаётганини эшитиб, ҳайрон бўлган эдик, -- дейди Кува туманидаги Обидов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Оминахон Исроилова. -- Ота-боболаримизнинг эски удумлари бўйича чигит экишавермайдими, деган хаёлга ҳам боргандик, ўшанда.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Лекин режа 76 фоизга етказилди, холос. Энди хомчўт қилиб кўрсак, ақалли 100 гектар майдонга янгича усулда чигит экканимизда ҳам, режани уддалаган бўлар эканмиз.

Чунки кўшниларибиз янгича усулни кўлаб, биз билан бир хил шароитда 40 центнерга етказиб ҳосил олишди-ба.

Опанинг гаплари бежиз эмас. Куванинг Янгиобод, Қоратепа қишлоқлари Асаканинг Султонобод, Қўрғонча қишлоқлари билан тутшиб кетган. Битта ариқдан сув ичилади, тўй-маросимлари бирга, қишин-ёзин борди-келди аримайди. Лекин пахтачиликдаги натижалар ҳар хил. Ўтган йили Асакадаги Бобур номли жамоа хўжалигининг Набижон Орипов бошлиқ бригадаси 55 гектар майдонга плёнка остига чигит экиб, режадагидан 9 центнер кўп--38 центнердан ҳосил олди. Бир центнер пахтанинг таннархи оддий усулдагига нисбатан қарийб 200 сўм кам бўлди. Давлатга сотиладиган пахтанинг сифати яхши, асосан юқори сортларга қабул қилинганлиги учун ҳам, оддий усулда етиштирилганига нисбатан 50 сўмдан ортиқча пул тўланди. Куваликларга, айниқса, пахтага кетадиган харажатларнинг анча камайганлиги маъқул бўлди. Чопиқ, яғана, қатор оралари-

га ишлов бериш, уч-тўрт ба-равар камайиши боис ҳар гектар ҳисобига 1800 сўмдан маблаг тежалди. Шунинг эвазига бир гектар ернинг даромади оддий усулда 38 минг 618 сўмга тушган бўлса, плёнка остида пахта етиштирилган даладарда эса салкам 48 минг сўмни ташкил этди.

Шунинг учун ҳам бугун Бобур номли жамоа хўжалиги раиси Абдуманноп Париевни кунора қуваликлар даласида учратасиз. Чунки у кўшнилари экиш техникаси, сеялка ва, айниқса, агротехника ишларини бажаришда мунтазам кўмак беришни зиммасига олган.

Кувاداги яна бир жамоа-- Раҳматов номли хўжалик аъзолари бу йил Шаҳрихон туманидаги «Найнаво» жамоа хўжалиги тажрибасини ўрганмоқда. Чунки найнаволиклар икки йилдан бери плёнка остига чигит экиб, хўжалик бўйича ҳосилдорликни 38 центнерга етказишди. Рўзиохун Қодиров етакчилик қилаётган бригадда эса 48 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил Раҳматов номли

жамоа хўжалигида 200 гектар майдонга плёнка остига чигит экилапти. Маълумки, янгича усулда чигит экишга янги сеялка керак бўлади. Андижондаги корхона эса хўжаликларни бу турдаги мослама билан тўлиқ таъминлай олмаяпти. Шунинг учун ички имкониятларга таянилмоқда. Олайки, Тошлоқ туманидаги «Фарғона» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Исмоил Мамасиддиқов ва устахона мудири Ўринбой Ашуровлар эски сеялка негизига янгича усулда чигит экиш сеялкасини яратдилар. Ишлаш услуби Андижон сеялкасидан биров бошқачароқ -- чигит эскича усулда тупроқ остига ташланади, устидан плёнка ётқизиблиб, ниҳоллар униб чиқадиган жойлар айланма барабанларда тешиб кўйилади. Янги сеялканинг афзаллиги шундаки, ерга чигит аниқ тушади, тупроқ остига кўмилиши ҳам агротехника талаблари даражасида бўлади. Энг муҳими, бу агрегатни эски сеялкалардан бемалол яшаш мумкин.

**Набижон СОБИР,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ҲОРИЖИЙ  
ТЕХНИКА  
МАДАДИ**

**ҲОРИЖИЙ  
ТЕХНИКА  
МАДАДИ**

Чортоқ туманидаги «Ғалабининг 40 йиллиги» жамоа хўжалиги қошида ташкил этилган сутни қайта ишлаш кичик корхонаси хўжаликка дурустгина даромад келтирмоқда. Бу ерда сутдан сариёғ, пишлоқ, қаймоқ каби турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, хўжаликда етиштирилаётган сутнинг ўзини сотишдан кўра, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, даромад ўн ҳисса ортар экан. Қолаверса, кичик корхона маҳсулотига аҳоли талаби тобора ортиб борапти.

Шунингдек, миллий услубда пойандозлар, чойшаблар тўқиш ва қийиқчаларга гул тикиш цехлари фаолиятдан ҳам аҳоли мамнун. Бу тўкув ва тикув цехларида 40 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Муҳими, уларнинг кўлларида жилоланиб чиққан маҳсулотлар ёш келин-кўёвлар уйини безаяпти. Хўжаликдаги кичик корхона ва цехларнинг аҳамиятли томони шундаки, қишлоқда кўшимча иш ўринлари юзага келиб, аҳоли арзон нархларда озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари билан таъминланмоқда.

Ўз мухбиримиз.



**ХОРИЖИЙ  
ТЕХНИКА  
МАДАДИ**

Иш унуми юқори, оғир ишларга чидамли, осон бошқариладиган, компьютерлашган техникаларда ким ишлашни хоҳламайди дейсиз? Жиззах воҳасидаги ўндан ортиқ машина-трактор парклари икки йилдан бери хорижда ишланган ана шундай деҳқон «дастёрлари» билан тўлдириб борилапти. Ўтган йилнинг ўзида океан ортидан келтирилган 48 та «КЕЙС» галла комбайни, 25 та «Магнум-72-40» русумли ҳайдов трактори, 284 та пахта териш машинаси, Русияда яратилган 11 та янги Т-4 ҳайдов трактори ёрдамида биринчи марта галла ва пахта ҳосили барвақт йиғиштирилиб, ерлар шудгорлаб кўйилди.

Бу эса кўкламги экиш мавсуми бошланиб кетган айни кунларда деҳқонлар ишини янада осонлаштирмоқда.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



**ЭРТАНИНГ  
БОҒЛАРИ**

**ҲАР БИР УЙНИНГ  
ДАРМОНИ**

Республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Наманган мевали кўчатлар етиштириш тажриба хўжалигида айни кунларда иш қизгин. Кунига минглаб туп турли хил мевали кўчатлар сотилаяпти.

-- 320 гектар боғ ва тоқзорда 50 турдан зиёд мевали кўчат етиштирилганмиш, -- дейди хўжалик раҳбари Ҳамиджон Усмонов. -- Бундан ташқари, қурилишбоп ашёлар етиштириш мақсадида теракчилик санатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилапти. Ана шу мақсадда бу йил корхона, ташкилот ва аҳолига сотиш учун 900 минг туп терак кўчати парваришлаганмиш.

вилоятдаги барча хўжаликларда олмазор ва тоқзорлар қатори анорзору анжирзорлар барпо этилмоқда. Айрим жойларда инсон саломатлиги учун зарур бўлган бундай шифобахш мевалардан тайёрланган шинни ва мурабболар йил--ўн икки ой эл дастурхонини беэмоқда.

-- Ешлигимизда ҳозиргидек ҳар қадамда дорихоналар бўлмаган, -- дейди янгиқўрғонлик 98 ёшли Эргаш ота Ҳайитов. -- Турли меваларни истеъмол қилиб ўсганмиш. Ҳар бир уйда қиш ва илик узилди -- баҳор фаслларида тановул қилиш учун қоқилар, мурабболар тайёрланган. Уриқ кайнатиб ичиш расм бўлган. Уз ховлисида анжир, анор, ўрик, бодом, ёнғоқ ўстирган ва уларнинг мевасидан мунтазам истеъмол қилиб юрган одамлар ҳозир ҳам кимёвий дори-дармонларга эҳтиёж сезмайди.

Бундай ўйлаб кўрсак, отахон ҳақ. Қолаверса, бу фикрларни ҳозирги замон илм-фани ҳам тўла тасдиқламоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, наманганлик боғбонлар жуда хайрли ишларни амалга оширишарди. Улар бу йил 1,5 миллион тупдан зиёд турли хил мевали кўчатлар етиштириб, савдога чиқаришди. Шунингдек, кўчат экиш мавсуми қисқалиги ва ўндан самарали фойдаланиш мақсадида Наманган шаҳрида 20дан ортиқ жойда ва ҳар бир туман ҳамда шаҳар марказларида, аҳоли гавжум яшайдиган маҳаллаларда кўчат сотиш шохобчалари ташкил этилган. Хўжалик боғбонлари ўша жойларда кўчат сотиб олган одамларга уни қандай ўтказиш ва парваришлаш тўғрисида беминнат маслаҳатлар беришарди.

**М. АБДУҲОШИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Муъжазгина Албанияда содир бўлаётган воқеалар, мана, бир ярим ойдан буён газета саҳифалари, ҳаво мавжлари, ойнаи жаҳондан тушмай келаётир. Йиллар давомида ҳал қилинмай, тўпланиб қолган иқтисодий, ижтимоий муаммолар халқ сабр косасини тўлдириб, уни кўча ва майдонларга олиб чиқди. Халқ намоёнлари оломони жунбушга келтирди. Мамлакат жанубида, айниқса, Влера шаҳрида намоёнчиларнинг полициячилар билан қонли тўқнашувлари бўлиб

масдан йўқ қилиниши дағдага қилиб айтилди. Мамлакатнинг бутун ҳудудида комендантлик соати жорий этилди. Бундан мақсад тартибсизликлар, бошбошдоқликнинг олдини олиш эди. Ички ишлар вазирлиги чет эл фуқароларига мамлакат жанубидаги шаҳарларни тарқатишни тақлиф қилди. Президент Сали Бериша «қизил террорчилар исёнини» бостириш учун бутун қораларни кўраман, деб ваъда берди. Шошлинч қақирилган парламент С. Беришани иккинчи муддатта мамлакат

# АЛБАНИЯ: МУАММОЛАРНИ ЮРТ ХАЛҚИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Президенти лавозимига сайлади. Давлатни идора этиш издан чиққан, армия ва полицияда парокандалик ҳукм сурар, галаёни жинтовлашнинг имкони бўлмай қолди. Саранда шаҳрида армия бўлиналари ва полиция қаршилик кўрсатмай шаҳардан чиқиб кетишлари билан фуқаролар қазармаларга бостириб кириб, автоматлар, ўқ-дориларни ўлжа қилиб олдилар. Маҳаллий қамқонанан юзга яқин маҳбуслар қочиб кетди. Гирокастра, Фисри шаҳарларида ҳам халқ ҳокимиятга қарши бош кўтарди. Дон, озик-овқат маҳсулотлари сақланган омборлар, дўконлар талон-торож қилина бошланди. Албания билан чегарадош Греция ва Италияда ҳарбий-денгиз кўриқчилиги кучайтирилди. «Албаниядаги воқеалар сиёсий муаммолардир ва улар сиёсий воситалар билан ҳал этилиши лозим», деб баёнот берди Буюк Британия мудофаа вазири М. Портилло. Тиранадаги Фарб дипломатлари Албанияда турли сиёсий оқимлар ўртасида музокара-лар ўтказиш йўллари қидира бошладилар. Мамлакатдаги асосий муҳолифат — социалистик партия вакиллари Президент билан учрашиб, фавқулодда ҳолатда назарда тутилган чеклашларни бекор қилишга қақирдилар, коалицион ҳукумат тузишни тақлиф қилдилар. Бироқ Президент уларга ён босмади. Бунга жавобан Влера, Саранда, Тепалин шаҳарларида мудофаа комитетлари тузилиб, исёнчилар турли талаблар билан чиқдилар. Улар орасида пуллар эгаларига қайтарилмагунча қуролларни топширмаслик, яқин ойлар ичида умумий сайловлар ўтказиш бор эди. Гирокастрада полициячилар ва бир неча танк экипажи исёнчилар тарафига ўтди. Оммавий намоёнлар кўлами ортиб, мамлакат шимолга таҳдид сола бошлади. Ҳокимият муҳолиф кучлар ва исёнчиларнинг барча талабларига рози эканлигини билдирди. Уттиз беш ёшли социалист В. Финно Бош вазир лавозимига тайинланди. Унинг жанубдан келиб чиқганини ҳисобга олсак, қарама-қарши турганлар муромага келиши, мамлакатда тинчлик ўрнатилиши лозим эди. Бироқ жанубдаги ўн иккита шаҳарда фаолият кўрсатаётган ўз-ўзини ҳимоя қилиш кўмиталари Президентнинг истеъфо-


га чиқишини қатъий талаб қилмоқдалар. Мамлакатда қочоқлар сони кундан-кунга кўпайиб кетди. Неча минглаб албанлар Италияга қочиб ўтдилар. Жаҳон ахборот воситаларида хабар берилишича мамлакат ҳудуди бир неча қисмларга бўлиб юборилган, улар турли қучлар томонидан бошқарилапти. Июнь ойида навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш белгиланган. Сайловларда ким ғолиб чиқади, ҳокимият тепасига ким келади? Бу жумбоқ устида ҳар бир албан бош қотираётти. Талабгорлар эса кўп. Ҳатто шаҳзода Лека Зогу ҳам «Албания қироллиги» тахтини орзу қиляпти. Кувгиндаги ёзувчи Исмонил Қодир ҳам давлат бошлиғи бўлиб қолса ажаб эмас. Албанияга сайловлар ўтгунча уч ой муддатта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақловчи қучлари киритилмаган бўлиди. Улар Албанияга ёрдам тариқасида келтирилмаган озик-овқат, дори-дармонларни тарқатишни, халқаро ташкилотлар вакиллари хавфсизлигини таъминлайди.

Албанияда кечаётган воқеалар сабаби, унинг илдизлари кишини ўйга толдиради. Бейхитёр бошлиғи мамлакатимизда мустақиллик шароитида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни амалга оширишда ўз йўлимизни танлаб, етти ўлчаб бир кесиш қабилда иш тутатганимиз ва бунинг натижасида ислохотлар меҳнатқашлар оммаси учун бирмунча энгил кечаётганини теран ҳис қиламиз. Кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат томонидан уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш яхши самаралар бермоқда. Халқимизнинг ёруғ қунларга етишмоғига ишончи мустаҳкамланди. Уларни аста-секин қийинчиликларни бартараф этиб, иқтисодни, маънавиятни кўтариш учун энг шимариб меҳнат қилишга даъват эди. «Бирни кўриб шукур қил, бирни кўриб фикр қил», дейди халқимиз. Албания ҳаётидаги инқироз халқ манфаатларини ўйлашмаслик, унинг эҳтиёжларини назардан соқит қилиш, халқ талабига нописанд муносабатда бўлиш мамлакатни не қуйларга, қандай ларзаларга солишини кўрсатиб турибди.

Меҳнатқаш, танти ва истеъдодли албан халқи ўз ақл-заковати, турмуш тажрибаси билан иқтисодий бўҳронлардан чиқиш йўллари топиши, ўзи учун муносиб яшаш шароитларини яратishi, миллий тараққиёт йўлидан шахдам қадамлар билан олға қараб бориши, халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топиб олиши шак-шубҳасиздир.

Анвар КАРИМОВ.

Европа деганда кўз ўнгингизда улугвор Эйфел минораси, мафтункор Венеция манзаралари, Эллада даврига мансуб мухташам кошоналару антик театр гавдаланади. Сизни нафақат бу гўзалликлар, тараққий этган санодир, техникани измига буйсундирган халқларнинг юқори турмуш ва маданият даражаси, хизмат турларига бой обод шаҳарлари ўзига оҳанрабодек чорлайверади. Ҳўш, европалликлар бундай юксак тараққиётга қандай эришди? Салкам ярим асрки, Фарб мамлакатлари барча етакчи тармоқларда жаҳоннинг бошқа давлатларини ортада қолдирмоқда. Бунинг асосий омилларидан бири ўзаро тушуниш ва тенглик асосида ташкил этилган Европа Иттифоқига бирлашувидир десак, хато бўлмайди.



БИЗНИНГ ШАРҲ

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЮКСАК ОМИЛИ

Ҳозирда Европа мамлакатларининг иқтисодиётини ана шу юксакликка эришуви ҳақида гап кетгудек бўлса, Маастрихт шартномаси, унинг аҳамияти ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Зеро, мазкур шартномада Иттифоққа аъзо давлатларнинг ягона бозори, ягона пул бирлиги, яъни ЭКЮни ташкил этиш, бож ва солиқ сиёсатини юргизиш кўзда тутилган. Ҳўш, Европа мамлакатларининг «бир тану бир жон» бўлиб жиқслашуви қандай кечди?

Иккинчи жаҳон уруши Европа мамлакатлари иқтисодиётига катта зарар етказди. Урушдан хонавайрон бўлган Фарб мамлакатлари олдида яна уруш келиб чиқишига йўл қўймадик, иқтисодиётни юксалтириш ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашдек муҳим вазифалар турарди.

Фикримизча, ана шу жиҳатлар Европа Иттифоқининг вужудга келишига асос бўлди. 1950 йилнинг майида Франция ташқи ишлар вазири Робер Шуман Европа кўмири ва пўлат бирлашмасини ташкил этиш гоясини илгари сурди. Орадан бир йил ўтиб эса Парижда олпата давлат — Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, ГФР ҳамда Франция давлатлараро ташкилотни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Бу эса Европа бирлашувининг илк пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Бундан роппа-роса қирқ йил муқаддам Европа иқтисодий ҳамкорлиги ҳамда Европа атом энергияси буйича ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги Рим битими имзоланганди. Юқорида тилга олинган ана шу учта муҳим ҳужжат Европанинг истиқболдаги йўналишини белгилаб берди.

Айни пайтда 15 та давлатни қамраб олган «Умумевропа уйи»да 400 миллион афроида аҳоли тўқис турмуш кечирмоқда. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар халқлари ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиши, ўз фикрини тасдиқлаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, Комиссия фаолияти устидан назорат қилиш ва Иттифоқ сиёсатини белгилаб бериш ваколатларига эга. 1974 йилда Парижда ўтказилган ҳамжамиятга аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарларининг кенгашида Европа парламенти депутатларни тўғридан-тўғри умумхалқ сайлови йўли билан сайлаш тўғрисида қатъий қарор қабул қилинди.

Яратилган ягона бож ва солиқ тизими, бозор сиёсатини юргизиш, аҳоли жон бошига тушадиган даромаднинг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани Шарқий Европа мамлакатларининг Иттифоққа қўшилиш истагини кучайтирмоқда. Айни вақтда жаҳоннинг таниқли сиёсатдонлари ва синчлари Шарқий Европанинг мазкур иттифоққа киришга тайёр эмаслигини айтиш билан бирга, XXI асрда «Умумевропа уйи»дан яна ўнга яқин мамлакатлар ўрин олишини башорат қилишмоқда.

Европа Иттифоқи нафақат қитъа, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан алоқа ўрнатган. Жумладан, мамлакатимиз билан иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик ҳам йил сайин тараққий этмоқда. 1996 йил июнида бўлиб ўтган Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Флоренция кенгашида мамлакатимиз билан ҳамжамият ўртасидаги муносабатларда муҳим қадам қўйилди. Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги тарихий битим имзоланди.

Ушбу битим ўзаро фойдали савдо-сотиқни йўлга қўйиш, компанияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолити ҳамда сарможаларнинг эркин ҳаракати учун имкон яратиш каби кўпгина сиёсий ва иқтисодий муносабатлар мажмуасини қамраб олганлиги жиҳатидан эътиборлидир. Бу эса республикамизнинг демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар эркинлиги кафолатланган демократик давлат қуриш борасидаги амалий сазъи-ҳаракатлари эътирофидир.

Айни вақтда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабати фақат юқорида айтилган битим билан чекланиб қолганича йўқ. Маълумки, ҳамжамият 1991 йилда МДХ давлатларига ёрдам кўрсатиш — ТАСИС дастурини ишлаб чиқди.

Ҳамжамият янги мустақил давлатлардаги ислохотларни амалга оширишга доир чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий-техник ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ҳар йили 500 миллион ЭКЮ миқдорда маблаг ажратмоқда. Ана шу дастурда мутахассислар тайёрлаш, энергетика, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва бошқа муҳим соҳаларда Ўзбекистонга кўмак бериш учун 1996-1999 йилларда бир неча ўн миллион ЭКЮ ажаратиш кўзда тутилган.

Республикамизнинг Европа мамлакатларига интеграциялашув жараёни



Шимолий Корея пойтахти Пхеньян Осиё китъасидаги гўзал шаҳарлардан. Бу ўлкага ҳар йили юз минглаб сайёҳлар келиб шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади.

СУРАТЛАРДА: Пхеньяндан лавҳалар.


Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.

муваффақиятли кечмоқда. Ўтган йили мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг Туркменистон, Озарбойжон, Грузия ва Руминия давлатлари раҳбарлари билан бўлган расмий учрашувларини эсланг. Зотан, ушбу мулоқотлар давомида мамлакатимизни Европа билан боғловчи энг қисқа йўл — Европа — Кавказ — Марказий Осиё транспорт йўлини барпо этиш тўғрисида имзоланган истиқболли битимлар бунинг яққол далилидир. Бошқа жиҳатдан эса Европа Иттифоқининг ҳам мамлакатимизга интилишига асос бор. (Бу ҳақда кўп бора айтилган). Чунки ҳозирда Европа Комиссияси «Ипак йўли — 2000 йил» лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Республикамиз раҳбарининг яқинда Европа Иттифоқига аъзо мамлакат — Грецияга расмий ташрифи, Афинада имзоланган сиёсий ва иқтисодий битимлар ҳам Ўзбекистон ва мазкур нуфузли ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Европа Иттифоқи билан тенг шериклик ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган мамлакатимизнинг обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширади.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



БИЗНИНГ ШАРҲ

**ИШ БИЛГАНЛАР**  
**ҲАЗРАТИ ДОВУДНИНГ**  
**ЗАМОНАБОП ШОГИРЛАРИ**



Икки юздан зиёд одам ишлайдиган корхонага янги бир одамнинг ишга келиши билан корхонада қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин? Ҳеч қандай, дейди бадбинлар. Ҳар қандай, дейди некбинлар. Амалиётчилар эса

**САХОВАТ -- САВОБ**

Беруний туманидаги «Маҳдум» хусусий фирмаси асосан кийим тикиш, гилам ва полас туқиш, маҳсулотларни қайта ишлаб сотиш билан шуғулланади. Фирма молиявий жиҳатдан анча бақувват. Бу ҳолат кичик корхона аъёларининг хайр-саховат тadbирларини утказишига имкон яратмоқда.

Бугунги кунда уларнинг бевосита саён-ҳаракатлари туфайли Беруний тумани халқ таълими бўлимига қарашли 90 ўринли «Раҳмон» болалар боғчаси таъмирланди.

Боғча иморатлари ёнидаги майдончаларга 400 донга мингларча ва мевали даракт кучатлари утқазилди.

Фирма бошқарувчиси Б. Сапарбоев келгусида бундай хайрли тadbирларни давом эттириш ниятида эканлигини билдириди.

**Х. АБДУСОДИҚОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

айтадики, бу, энг аввало, ўша одамнинг шахсига, билимига, обрўсига, ваколатига, унинг ишчанлик, тadbиркорлик сифатларига боғлиқ.

Қандай бўлганда ҳам, Қорақалпоғистондаги қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва созлаш корхонаси — «Довуд» акциядорлик жамияти бундан роппа-роса икки йил муқаддам роят ночор аҳволга тушиб қолганди. Корхонага келадиган устама-уст буюртмалар энди камайган, кўп сменали ишлар йўқ эди. Шундай пайтда ўн беш йил шу корхонада ишлаб, оддий мастерликдан бош муҳандислик лавозимига гача кўтарилган Ҳабиб


булло Аламинов бошлиқ бўлиб келди.

-- Корхонанинг моддий-техникавий имкониятлари юқори, етук ва иқтидорли ишчи ҳамда мутахассисларнинг кўп эканлигини яхши билардим, -- дейди у. -- Лекин нимага бундай аҳволга тушиб қолди? Ишга келган дастлабки бир неча ойлари фақат аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилишга, турли ҳисоб-китобларга сарфладим. Маълум бўлишича, хўжаликлар билан дала техникаларини таъмирловчи корхоналар ўртасида муносабатларда кўп нарсалар ўзгариб кетган экан.

Оддий бир мисол. Бундан 10-15 йил муқаддам хўжаликларнинг техникаларини бизга фақат «ҳисобот» учунгина топшириш ҳоллари учраб турарди. Яъни, таъмирлашга деб олиб келинган баъзи техникаларни сал-пал тозалаб, енгил пардозлаб, яна қайтадан ишлатаверса ҳам бўларди. Ҳозир раислар ҳар бир тийинни бармоқ букиб санашга ўрганишган. Энди таъмирлашга топшириладиган техникаларнинг аҳволини кўриб, шу пайтгача қандай қилиб хўжаликлар ҳисобида турганлигига ҳайрон қоласан, киши. Демак, уларни яна сафга қайтариш учун биз ҳам кўпроқ тер тўкишимиз, вақт сарфлашимиз лозим.

Яна бир мисол. Бизда илгари автодвигателларни таъмирлайдиган каттагина цех бўларди. Ҳар ойда ГАЗ-51, ГАЗ-52, ГАЗ-53 русумли машиналарнинг 150-200 та двигателини таъмирлардик. Кейинги йилларда қишлоқ

хўжалигида бу хилдаги автомашиналардан деярли фойдаланилмаётир. Фойдасига нисбатан сарфу харажати кўп бўлса керак, ҳозир таъмирлаш учун келтириладиган автодвигателлар 80-90 тага тушиб қолди, табиийки, корхонанинг иши ҳам камайиб кетди. Хўш, нима қилиш керак? Биз олдин «Олтой» тракторлари двигателларини таъмирлаш билан шуғулланмасдик. Ҳисоблаб қарасак, ҳар йили Қорақалпоғистондан минг донага яқин «Олтой» двигателлари Тошкентга олиб борилиб, таъмирлаб келинар экан. Ҳозирги кунда уларни фақат олиб боришнинг ўзи 100 минг сўмга тушади, ҳали қайтиб олиб келиш ҳам керак. Наҳотки, ўзимизда



таъмирлаб бўлмаса? Бўларкан, мана, таъмирлаяпмиз. Ҳозирча 30 тасини бутлаб бердик. Бизга иш топилди, хўжаликлар эса фақат йўл харажати ҳисобида 6 миллион сўм ютди.

«Довуд» раҳбарининг ушбу хулосаларида соғлом таҳлил, манتيкий фикрлаш, замонабоп тadbирлар асосида иш юритиш иштиёқини сездик. Тўғри-да, давр

шамоли ўз йўналишини кескин ўзгартирган экан, пана жойни кўзлаб, бекиниш ўрнига шу эпкининг йўналиши бўйича шамол тегирмонларини ўрнатиб, ундан фойдалана билиш маъқул эмасми?

Ҳа, «Довуд»нинг кейинги йиллардаги фаолиятида айтса арзигулик силжишлар кўзга ташланиб турибди. Лекин кейинги пайтларда долзарб бўлиб турган айрим муаммолар борки, жамият ҳам улардан холи эмас. Шулардан бири ўзаро тўловлар масаласидир. Ҳозирги кунга келиб, акциядорлик жамиятининг ўз буюртмачиларидан оладиган қарзи 40 миллион сўмга етиб қолди. Айни пайтда эса корхона ўз эҳтиёжлари учун юқори фоизли банк кредитларидан фойдаланишга ҳам мажбур бўлмоқда. Негаки, маблағ етишмаслиги сабабли, кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари жамият устахоналарида тайёр ҳолда турган юзлаб двигателлар, тележжалар, ёнилғи аппаратлари, трактор занжирлари, ер ковлаш, суриш механизмлари ва айни кунларда жуда керак бўлган бошқа кўпгина техника бўлакларини ўз ихтиёрларига олишни уddаламаётирлар. Натижада хўжаликларда техника етишмовчилиги кескинлашиб, кўкламги экиш, экинларга ишлов бериш каби агротехника тadbирлари муддати

кечкади, пировардида ҳосил чўғи пасаяди ва хўжалик даромадидан барака учади.

Бу ерда таъмирчилар пири бўлмиш ҳазрати Довуднинг ҳақиқий шоғирдари бисёр эканлигига амин бўласиз. Электр цехидаги азаматлар қуввати 0,5 киловаттдан қарийб 100 киловаттгача бўлган ҳар қандай двигателнинг ичак-чавоғини ағдариб ташлаб, қайта бутлашни уddалашяпти. Бу устахоналарни оралаб, «Наҳотки, мана шу синган, сийқаланган, пачоқ бўлган темир-терсақлар ҳам бир куни деҳқонларимизга яна иш берса, уларга мадакдор бўлса?», деган ўйга борасиз. Ишонгимиз келмайди. Лекин бу ерга таъмирлаш учун олиб келинаётган ва таъмирдан сўнг олиб кетиладиган техникаларни таққослаб кўриб, иложингиз йўқ -- ишонасиз.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**КЎШМА**  
**КОРХОНА**  
**ИШГА ТУШДИ**

Пастрчи туманидаги «Хумор» кўшма корхонаси бир кеча-кундузда қарғ тонна ўн чиқариш қувватига эга илгир убоқ-турк кўшма корхонаси ишга тушди. Туркиянинг «Экмасен» фирмаси билан ҳамкорликда бундан олдин бу корхона энг даражасида асқунлар билан ишлаганидан. Унда эллик кishi иш билан таъмирланди.

**М. МУКИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

«ТЕКШИРМАЙ КЎЯ ҚОЛИНГ, НАЧАЙНИК...»

НАЧАЙНИК...»

-- Мўмай пул топиш учун бел оғритиб тер тўкиш шарт эмас, -- кўз кўзларини ўйнатганча ёнидаги портфелини оҳиста силади у.

-- Нимасини айтасан, биродар. Аловиддиннинг сехри чироғи ёки «очил дастурхон»га эга бўлмай туриб ҳам шоҳона яшаш мумкин.

-- Бунинг учун, -- бараварига жўр бўлишди қоронғида топишганлар, -- калла керак, калла!

-- Ва яна отнинг калласидек юрак ҳам! -- кўшимча қилди кўққисдан хонага кириб келган Андижон темир йўл нақлиёти милицияси ходими.

Қоралорифурушликни касб қилиб олган, ўзига ўхшаш нафс бандалари билан тил бириктириб, не-не қабихлигу разилликларга қўл урган бу кимса орган ходимининг ташрифидан бир зум қаловлашиб қолди. Кейин ўзини тутиб олиб, изоҳ берди:

-- Меҳмонман, қариндошларни кўргани Озарбайжондан келиб едим...

-- Ёнингиздаги нарсалар совға-салом бўлса керак, шундайми?

-- Орган ходимлари жуда сезгир бўлишди-да. Топдингиз. Ёр-биродарларни-кига қуруқ қўл минан кириб бориш ноқулай-да, ахир.

-- Бир кўриб қўйсак...

«Меҳмон» тўрга илинган беданадай ўзини ҳар томонга ташлади. Натижа чиқмагач, ялиниб-ёлворишга ўтди:

-- Бу гал текширмай кўя қолинг, начайник. Сиз-да мусулмон, биз-да мусулмон. Аёлларга ул-бул нарса олгандим. Кўрсатишга уяламан.

«Аёлларга аталган нарса» аслида салкам икки килограмм миқдоридagi қорадори экан. Ҳализамон шоҳ бўлмасак ҳам шоҳона яшаймиз, дея баланддан келган бу доғулига сичқоннинг ини минг таңага айланди.

Юртимизга ғаразли ният билан келган «меҳмон» обдон текшириб кўрилгач, унинг асл башараси аён бўлди. Ўзини Сулаймон Жаҳонгир ўғли Велиев деб таништирган кимсанинг паспорти қалбаки экан. Муқаддам одам ўлдирчи, қидирувда бўлган бу ашадий жиноятчи Эльбурус Рамазон ўғли Мустафоев бўлиб чиқди.

Кўрғонтепа шаҳрининг Яссавий кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи Ҳамид Мусоев ҳам гиёҳванд моддалар билан олибсатарлик қилишда пихини ёрганлардан. У оғуни олиб юриш ўт билан ўйнашишдек хавфли эканини яхши биларди, албатта. Шу сабаб таваккал қилди. Олис йўлга отланар экан, 2 килограмму 815 грамм қорадорини 235-поезднинг тўртинчи вағони остига яширди.

«Манзилга эсон-омон етиб олсам, марра меники, -- ўзича тамшанди у. -- Борди-ю, сезиб қолишса, қорадори кимга тегишли эканини ҳеч ким билмайди. Сувдан қуруқ чиқиб кетавераман».

Ҳамид чучварани хом санаган эди. У қанд ей-

кўчалардан бирида истиқомат қилувчи Ҳайдаровнинг уйига бостириб кирдилар. Кўзланган ўлжа -- қоракўл терилари турган хона уларга яхши маълум эди. Оила аъзоларини уйғотиб юбормаслик учун гоғт эҳтиёткорлик билан, шовқинсиз ҳаракат қилишди. 57 дона терини ўмариб, кўздан гоғиб бўлишди.

Бирок ака-ука босқинчилар узоққа боролмадилар. Тезкор қидирув ишлари натижасида уларнинг «сафари» қисқа бўлди. Ҳозир тергов олиб борилмоқда.

ИИБ матбуот хизмати хабарларидан.

дир. У ўз хизмат вазифасига лоқайдлик, совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун жазоланди. Воқеа бундай: С. Агджаян, Х.Испирян, С. Хачакиян каби шахслар Екатеринбургдан Бухорога трактор ва комбайнлар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишди. Молни қабул қилган «Мирзо Ҳабиб» ва «Бухоротаъминотчи» фирмалари тегишли 1,35 млн. сўм пулни ўз вақтида қайтара олмай-дилар. Меҳмонлар пул ўрнига маҳсулот олиб кетишга рози бўлишди. Дарҳол иккита «КамАЗ» автомашинаси сигарет ва Бухорода ишлаб чиқарилган маҳсулот -- сочиқлар билан тўлдирилди. Энди уларни Бухородан олиб чиқиб кетиш учун божхона ходимларининг рухсатномаси керак эди. Қаранг, бу муаммо ҳам осонгина ҳал бўла қолди. Нима учундир, Набиев қўл остидагиларга юклар текширилганлигини айтиб, автомашиналар эшикларини сўргичлашни буюради. Бошлиқ айтди -- тамом. Унинг кўрсатмасидан сўнг машиналарда нима бор-у, нима йўқлигини текширишга ким ҳам журъат қиларди, дейсиз.

Ваҳоланки, бу пайтда «КамАЗ»ларда ортиқча бир миллион сўмга яқин, жами 2,7 миллион сўмлик маҳсулотлар усталик билан жойлаштирилган эди. Эҳтимол, «меҳмон»лар бошқа жойларда қилиб юрган қинғир ишлари Ўзбекистонда ҳам ўнгидан келади, деб ўйлашгандир. Уларнинг шубҳали хатти-ҳаракатлари Газли чегарасидаги пост-бонлар нигоҳидан қочиб қутулолмади. Бухорога қайтариб олиб келинган машиналар текшириб кўрилганда, сир ошкор бўлди-қолди. Ажабланирлиси шундаки, тегишли хужжатлар Испирян номига расмийлаштирилган бўлса-да, унга Агджаян имзо чеккан эди. Божхоначилар эса бунга аҳамият бер-ишмаган. Ёки бунда бошқа бирон «сир» бормикан? Ақс ҳолда 2-пост бошлиғи И. Набиевнинг ўз хизмат мавқидан фойдаланиб, қандайдир испирянларга «ҳомийлик» қилишини қандай тушуниш керак? Бу масала судда ҳам очилмади. Эҳтимол, Набиев ўз хатти-ҳаракатини шунчаки совуққонлик оқибати, деб баҳолар. Бу ёғи бизга қоронғу. Аммо гап халқ манфаати, юрт шаъни устида борар экан, божхона ходимининг совуққонлик қилишига асло ҳаққи йўқ. Тўғри, Набиев тегишли жазосини олди. Уни ўз «ноғораси»га ўйнатмоқчи бўлган «меҳмон»лар ҳам қуруқ қолмадилар. Адолат юзасидан иш тутилиб, уларга Екатеринбург заводига тўланиши лозим бўлган 1,35 млн. сўмлик маҳсулот қайтариб берилди. Қлгани давлатимиз фойдасига мусодара қилинди.

Келинг, энди бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ҳаракатида кенг йўл очди. Ишбилармонлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустақамланаётганлиги айни муддао. Масаланинг битта «лекин»и бор. Яшириб нима қилдик, хоржий тадбиркор борки, юртимизга бир сўмини икки сўм қилиш учун келади. Майли, ҳалол бўлсин, икки сўм қилсин, лекин мамлакатимиз қонунларини оёқости қилиб эмас. Бу борада тегишли ташкилот ва органлар сергаклик билан иш олиб боришлари лозим. Ҳамма ерда ва ҳар доим шундай бўлаётими? Афсус...

Юқорида қайд этилган товар «операцияси»ни олиб кўринг. Хўш, икки машина маҳсулот бож тўловисиз Ўзбекистондан чиқиб кетди, деб фараз қилайлик. Юк борган жойида сотилса-ю, мамлакатимиз бир тийин фойда кўрмаса. Тижорат ниқоби остидаги бундай фирромликнинг кимга кераги бор? Демокчимизки, бозорларимизда шахсий бойлик орттиришга ружу қўйган сохта «тадбиркор»ларга ўрин бўлмаслиги керак. Чунки Ватан шаъни ва манфаати ҳамма нарсадан муҳимроқдир.

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ



АКА-УКА ЎҒРИЛАР

Ғиждувонлик ака-ука Бахриддин ва Муҳиддин Шароповлар бу «операция»га пухта ҳозирлик кўришди. Қаердандир ниқоб топиб, ўзлари ўғирликка тушишни мўлжаллаган оиланинг фаолият тарзини обдон ўрганишди. Уларнинг назарида, ҳаммаси пинҳоний ва табиий бўлиши лозим эди. Токи ҳеч кимда шубҳа уйғонмасин. Бу борада муқаддам сулданган катта ака Бахриддиннинг «тажрибаси» асқотди.

Ниҳоят, юзларига ниқоб тутган ўғрилар ярим тунда Ғиждувон шаҳридаги

БОЖХОНА ХОДИМИНИНГ ЧЎНТАГИ НЕЧТА



«Шайтонга ҳай бергин, болам», -- дердилар раҳматли отам. Бу гапга мийиғида кулиб қўядиганлар ҳам топилса, ажаб эмас. Қанақа шайтон? Йўқ нарсани гапирманг-да, биродар. Лекин... Батзида бирор хатога йўл қўйиб, виждонингиз олдида қийналганда, шайтоннинг гапига кирдим, демасизми? Ичингизга кириб олиб, сизга жаннатий ҳаёт ваъда қилаётган овоз кимники, ахир? Тўғри, чиройли ва кам-кўстсиз яшашга инсоннинг ҳаққи бор. Бироқ унга ҳалол меҳнат ва пешона тери эвазига эришилади. Ақс ҳолда... қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқар экан.

Олим Ҳотамов Бухоро вилояти божхона хизмати бошқармасининг 1-пост бошлиғи вазифасида ишлар эди. Нима бўлди-ю, уни елкасидаги шайтон аврай бошлади: «Олимбой, ҳозир бойийдиган вақтинг. Мансаб ҳеч кимга боғлаб қўйилмаган. Имониятни қўлдан берма. Битта имо-ишорангга нечта «учар»лар маҳтал. Уларни озгина қўллаб юборсанг бас, ўнга чўнтагинг бўлса ҳам, жарақ-жарақ ақчага тўлади. Қарабсанки, Бухорода сендан зўр «бойвачча» бўлмайди. Дадил бўл, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Отингни қамчила...»

Афсус, Олимбойнинг «оти» узоққа боролмади. Унинг олов туёқлари остида ҳосил бўлган қўлкам эгасини лойга белади. Гап нимада ўзи, дейсизми? Келинг, яхшиси, бир бошдан ҳикоя қила қолайлик. Шаҳардаги «Интурист» меҳмонхонасида ишловчи Нодира Ражабова даволаниш учун Москвага боришни орзу қилиб юрарди. Табиий, бунинг учун анчагина маблағ зарур. Нодирахон Россияда аёллар қоракўл пальтосининг бозори чаққонлигини эшитган эди. У ана шу пальтодан 10 донасини харид қилди. Ҳамма нарса тайёр бўлганда, битта иш-кал томони чиқиб қолди: қонунда белгиланганидан ортиқча юкни божхонадан қандай қилиб олиб ўтиш керак? Нодира Ражабовани бирга ишлайдиган ҳамкасби бу ташвишдан қўтқарди. У хат орқали Ражабовани Олимбой билан «таништириб» қўйди. Ҳамма томоша шундан кейин бошланди.

Кўнларнинг бирида «саёхатчи» опамиз Ҳотамов савлат тўкиб ўтирган хонага кириб келди. Савол-жавоб қисқа бўлди. --Хўш, Москвага учмоқчиман денг? Биздан қандай ёрдам керак? Бўпти, кўмаклашамиз. Ёдингизда бўлсин, барча хужжатларни ўзим расмийлаштираман. Сиз икки-уч кундан кейин хабар олинг, -- деди 1-пост бошлиғи.

Олимбойнинг айтгани-айтган эди. Ражабова Нодира номига декларация, 179450-сонли текширув варақаси ҳамда 151-сонли ордер тўлғазилди. Ундан бож тўловларини ундирмаслик мақсадида хужжатларга сохта ёзувлар киритилди. Бу билан давлатга 18295 сўм 30 тийинлик зарар етказилганлигини айтмай кўя қолайлик. Мушук текинга офтобга чиқмайди, албатта. Олимбойнинг беминнат ёрдами замирида ҳам ғаразли мақсад бор эди. У Ражабовага 10 дона аёллар қоракўл пальтоси билан Бухоро -- Москва йўналишидаги 692-авиарейс орқали учиб кетишига рухсат бериш эвазига 1400 сўм пул ва 150 АҚШ доллари талаб қилади. Опа бунча пули йўқлигини айтса ҳам, Олимбой кўнмайди. «Гап битта, бўлмаса рухсатнома ҳам йўқ», -- дейди божхоначи зарда билан.

Даволаниш учун кетаётган Ражабова қарз-ҳавола билан топган пулини пора сифатида беришни хоҳламади. «Қўли эгри одамнинг жойи бу ерда эмас», дея вилоят ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди. 1-пост бошлиғининг чўнтағида озгина «меҳмон» бўлган пуллар эгасига қайтарилди. Ҳар ким эканини ўради, дейдилар. Кечагина соясидан унча-мунча одам ҳуркадиган О. Ҳотамов энди қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши аниқ. Агар у диёнатини унутиб, нафсига эрк бермаганида бу кўргилликлар юз бермасмиди...

Шайтон йўлига кирганлардан яна бири вилоят божхона хизмати бошқармасининг 2-пости бошлиғи, Илҳом Набиев-

ман деб кесак чайнади.

Қорадори бозори кейинги пайтда аёллар ҳисобига кенгайганлиги гоғт аянч-лидир. Гулдан нозик, мўғтабар ва мунис деб эъозланадиган хотин-қизларнинг ярамас иллат -- оғуфурушлик билан шугулланишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Маълумотларга қараганда, қорадори билан олибсатарлик қилиш асосан ўзга мамлакат аёллари қўли билан амалга оширилмоқда. Эътибор беринг: Қирғизистоннинг Ўш шаҳри, «Истиқлол» кўчасидаги 18-уйда истиқомат қилувчи Наталья Герштейннинг ёнидан уч килограмм, Жалолобод шаҳрининг «Заводская» кўчасидаги 11-уйнинг 43-хонадониде яшовчи Анфиса Эреджаловадан 900 грамм, Людмила Глибина ёнидан 7,5 килограмм қорадори топилди. Ўзбекистонни бедарвоза фаҳмлаган бу «хоним»лар нимаики номаъқулчиликлар қилсак бўлаверади, деб қаттиқ адашдилар. Энди улар ўзларини кўнгилочар ресторанлару базми-жамшидлар издиҳомида эмас, аксинча, темир панжаралар ортида кўриб, кўз ёши қилмоқдалар. Бироқ сўнгги пушаймондан фойда йўқ. Қорадорининг қора кўчалари оғуфурушларни алаоқибат узоқ муддатли «қоронғулик»ка гирифторм этди. Уларнинг аччиқ қисмати жон қойитмай бойини хаёл қилганлар учун сабоқ бўлмоғи керак.

Одиджон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУҚУҚШУНОС БУРЧАГИ

КЎШИМЧА ИМТИЁЗГА ЭГАСИЗ

15 ёшли ногирон ўғлим бор. Ўзим давлат қорхоналаридан бирида ишлашман. Уша ўғлим учун кўшимча таътил олишим мумкинми?

М.ИБРОҲИМОВА Самарқанд.

Мумкин. 1996 йил 1 апрелдан кўчга кирган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 232-моддасида 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга ҳар йили 3 кундан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган кўшимча таътил берилиши кўзда тутилди.

Бундан ташқари, сиз ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш ҳуқуқига эгасиз.


ЖАЗО -- 3 ЙИЛДАН 5 ЙИЛГАЧА

Табиат -- бебаҳо бойлигимиз. Афсуски, ҳайвонот ва наботот оламига зарар етказиш, рухсатсиз оғ қилиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Тартиб-бузарларга нисбатан кўриладиган чоралар ҳақида маълумот берсангиз...

Н. АКБАРОВ. Сурхондарё вилояти.

Дарҳақиқат, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини асраш ҳозирги кундаги гоғт муҳим масаладир. Табиатга зиён етказганлик учун қонунларимизда тегишли жазо чоралари кўзда тутилган. Чунончи, қонунга хилоф равишда ноёб ҳайвонларни овлаганлик, ўсимликлар оламини фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлик -- табиатга моддий ва маънавий зарар етказганлик учун Ўзбекистон Жилоят кодексининг 202-моддасига асосан, тегишли мол-мулкни мусодара қилишдан ташқари 3 йилдан то 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш чораси қўлланилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.



## «ХУДО ҲАЛОЛИДАН БЕРСИН»

— дейди номи Ўзбекистондан ташқарида ҳам таниқли Эрали полвон Маҳмарасулов

У ал-Ҳаким ат-Термизий хоти-расига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича анъанавий учинчи турнирда Президентимизнинг бош соврини -- «Нексия»ни қўлга киритди.

-- Ўзбекистондай катта мамлакатнинг «номер-бир!» полвони бўлиш учун одам жуда узоқ йўлни босиб ўтиши керак. Мухлислар сиз ҳақингизда тафсилотлар эшитгиси келади...

-- Энди, биласиз, бизнинг оиламизда ҳамма полвон. Биз, беш ака-укани отам эргаштириб тўйларга олиб борар эди. Тўйлардаги олишларни кўргансиз, тўрт-беш ёшли болалар бошлаб беради. Сўнг секин-секин даврадаги полвонларнинг ёши каттариб бораверади. Биринчи синфлар, иккинчи синфлар, учинчи синфлар... деганга ўхшаб. Агар гапнинг тўғриси айтсам, эсимни қурда таниганман.

-- Биринчи марта энг катта зотни қачон олгансиз?

-- Ишқилиб мактабга борадиган пайтларим уйимиз шундай «зот»ларга тўлиб кетар эди. Кейин... уч оёқли велосипед кўп қўйилар эди. Уйимизда велосипедлар ҳам кўп эди-танишларимизга, ҳамсоғларимизнинг болаларига бериб юборардик. Олтинчи синфда ўқиётганимда бир тўйдан улоқ олдим. Шу эсимда қолган.

-- Улоқ катта зотми?

-- Олтинчи синф боласи учун катта зот-да.

-- Тўғри-ю...

-- Саккизинчи-тўққизинчи синфларда «кўй полвон» бўлиб кетдим. Аммо бировиям эсимда қолмаган.

-- Мени кечирасиз, саволимнинг ноқулайлигини ўзим ҳам билиб турибман: саккизинчи синфда неча кило эдингиз?

-- Етмиш килодан кўп эдим.

-- О-о, ўшанда ҳам катта полвон бўлган экансиз-да?

-- Мен доим ўзимдан уч-тўрт ёш катталар билан олишардим. Чунки ўзим тенгилар менга чиқишмасди.

-- Ўзингиздан зўрлар билан олишган бўлсангиз, демак, йиқилгансиз ҳам!

-- Бўлмасам-чи!

-- Зўр полвонлар қандай пайдо бўлади?

-- Ҳар бир одамга полвонликни худо беради. Худо бермаган чиқмайди.

-- Болаликда кўп йиқилганман деяпсиз, унда бундай мағлубиятлар қачон тўхтаган?

-- Ўн саккиз-ўн тўққизга кирганимдан сўнг жуда зўр полвонга дуч келмаган бўлсам, жуда кам йиқилганман.

-- Ҳеч енгилмаснинг иложи борми?

-- Йўқ. Ҳамма полвонлар ҳам йиқилади. Гоҳо полвонларга ҳам адолатсизлик бўлиб туради...

-- Тўйларда мусобақаларда?

-- Адолатсизлик тўйларга қараганда мусобақаларда кўпроқ бўлади. Чунки тўйларда халқ бор. Агар баковул бир томонга ён босса, халқ ўртага чиқиб кетади.

-- 6 апрелда ҳаётингизда катта воқеа бўлди. Мухлисларингиз Сиздан ҳам кўпроқ қувонишди. Президентимизнинг совринини олдингиз. Бу -- халқимизнинг кўнглидагидай ютуқ бўлди. Мен гиламнинг ёнида эдим. Мусобақа тугагандан сўнг бир аёл етти-саккиз яшар ўглини етаклаб, ёнимдаги фото-мухбирнинг олдига келиб, ўғлимни Эрали полвон билан суратга олинг, деди...

-- Бундай қутлуғ кунни унутиб бўларканми? Юрагим тўлиб кетди. Ўзимни йўқотиб қўйдим ҳаяжондан. Яна нима дейин, сўз тополмаяпман.


-- Бир кунда 7-8 полвон билан олишдингиз. Яна уларнинг ҳар қайсиси қандай полвонлар эди, денг... Очигини айтинг, бош совриндан умидингиз бормиди?

-- «Нексия»дан умидим йўқ эди, десам ёлғон айтган бўламан. Аммо талабгорлар кўп эди, зўрлар кўп эди. Эътибор қилган бўлсангиз, асосий талабгорлар вазн тоифаси бўйича майдонга тушмади. Мен эса энг оғир вазнли полвонлар мусобақасида ҳам қатнашиб, чемпион бўлдим. Бунинг учун озмунча куч сарфладимми! Шундан сўнг бирданига мутлақ чем-

полвон. Ўзбекистондаги энг зўр полвонлардан бири қашқадарёлик Муҳаммадўсни Японияда ўтган самбо бўйича жаҳон чемпионатининг финалида ўн икки секундда ҳалол йиқитган. Давид -- билан майдонга тушганимиздан сўнг менга қаёқдандир... худо куч берди.

Мен бир марта «чала» ташлаган эдим, ҳакамлар эътиборга олишмади. Шу билан олишга ажратилган вақт тугади. Ҳисоб очилмади, унинг эса битта «танбеҳи» бор эди...

-- Барибир бизлар кўнгличликка бордик. Билмадим, балки унинг унвонларини ҳисобга олишдими?



-- Майдонда унвонлар эмас, полвонлар олишиши керак! Вазн бўйича финалда мен билан олишган хоразмлик Алишер Собиров ҳам жаҳон чемпиони, ахир. Мен жаҳон чемпиони бўлмасам-да, ютдим-ку! Мен енган бўлсам ҳам, қўшимча вақт белгиланди. Шундан кейин ҳам ютдим. Қолаверса, Шухрат Хўжаев ҳам жаҳон чемпиони.

-- Демак, бир кунда учта жаҳон чемпиони билан курашиб... ютдингиз?

-- Шундай.

-- Мана, халқаро мусобақа ҳам ўтди. Лекин унинг муҳокамалари яна икки йил-навбатдаги тўртинчи тургача давом этади. Учинчи тур қандай ўтди?

-- Яхши. Бу гапни мутлақ голиб бўлганим учун айтаётганим йўқ. Энди кўз тегмасин, бундай нуфузли мусобақаларнинг савияси ҳам, даражаси ҳам йил сайин кўтарилиб борапти.

«Халқ сўзи» мухбири  
Тождидин РАЗЗОҚ  
суҳбатлашди.



## 366 ЁШЛИ НОК

Косонсой шахрига йўлим тушганида кекса муаллим

Пардабой ака Бухоров «Сизни бир табарруқ отахон билан таништираман бўлмайди», деб мени шахарнинг «Чорбоғ» маҳалласига бошлади.

Шу маҳаллада яшовчи саксон уч ёшли Каримбой Долимов табарруқ мўйсафидлардан экан. У киши маҳалла ахли учун ўз ҳисобидан 676 минг сўм сарфлаб, чойхона, савдо дўкони куриб берибдилар. Чойхонада 70-80 киши бемалол ҳордиқ чиқариши мумкин. Каримбой отани бу ердагилар Косон нок деб аташар эканлар.

-- Ота-бобомиз боғбон ўтган, -- ҳикоя қилдилар отахон. -- Урушда Украина frontiда аввал бошимдан, сўнгра Кримда жанг қилиб ўнг қўлимдан яраландим.

1944 йил 20 майда уйга кириб келдим. Аламимни меҳнатдан олдим. Ўзим яратган боғда ўзим яйрайман. Кўпи нок. Бобомнинг бобосидан ҳам бир туп нок қолган. Отамнинг ҳисобларини буёғига қўшсам, у уч юз олтимиш

олти ёшга кирган. Ҳалиям бир тоннагача ҳосил беради. Сизга айтсам, мен ҳеч қачон дарахт тагига гўнг солмайман, курт тушади-да. Ҳар йили улар тубини обдон яшилаб қовлаб, эски тупроқлардан соламан, холос. Шундай қилиб, вақтида парваришлаб турсангиз, дарахт сиздан ҳосилини аямайди. Ишонсангиз, бир йили денг Тошканинг «Кўйлик» бозорида бир юз бир кун нок сотибман.

Қулоч етмас нок дарахтини кўриб, отахоннинг гапларига ишонч ҳосил қилдим. Дарахт ниҳоятда баҳайбат, улкан чинордай.


Каримбой ота қайси даромад эвазига чойхонаю дўкон курганини энди англагандирсиз?

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ,  
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

пионлик учун кураш бошланиб кетди. Бухоролик Шухрат Хўжаев бултур жаҳон чемпиони бўлган эди. Кейинги ҳарифим Нафар Мирзаев ҳам ўзини мендан кам кўрмас эди. Уни бешу нол ҳисобида ютдим. Биринчи мусобақанинг мутлақ чемпиони Ўрол Тўраев билан бўлган беллашув ҳам менинг фойдамга бўлди. Кейин чорак финалда гуржистонлик Давид полвон билан тушдик.

-- Лекин Давид майдонга тушгандан сўнг ҳамманинг дами қайтиб кетди. Чунки у сиздан эллик кило оғир, бунинг устига бир марта Олимпия чемпиони, икки марта жаҳон чемпиони, олти марта Европа чемпиони экан. Сиз хафа бўлманг-у, ҳамма «Эрали полвонга қийин бўлди» деб турди.

-- Давид -- ҳақиқатан ҳам зўр



**UZDUNROBITA**  
cellular

"Ўздунробита" ҚК ўз абонентларига янги хизмат тури — уяли телефонга PIN-код қурилмасини

## **БЕПУЛ ТАВСИЯ ЭТАДИ!**



*PIN-код* - шахсий айнан ўхшатишган номер бўлиб, абонентга ўзгаларнинг телефондан берухсат фойдаланишларидан сақланишини кафолатлайди.

*PIN-код* шундай қурилмаки, кодингизни билмайдиган шахслар гарчи Сиз телефонингизни ишхона ёки уйингизда, машинангизда қаровсиз қолдирган тақдирингизда ҳам ундан қўнғироқ қилишолмайди. Яъни Сизнинг рухсатингизсиз ҳеч ким телефонингиздан фойдалана олмайди. Код ўрнатилганидан сўнг ҳам ташқаридан бўладиган қўнғироқлар блокировка қилинмайди.

### ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ:

PIN-код ўрнатилган телефон орқали қўнғироқ қилишда рақамлар терилгандан сўнг тугмачаси босилади ва код терилади — фақат шундан сўнггина уланади.

*PIN-код*ни ўрнатиш учун савдо бўлимига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя.

Тошкент, Себзор даҳаси, п/о 19.

Телефонлар: 44-17-09, 44-32-08,  
30-13-08, 30-00-09.

**Кечаю кундуз маълумот хизмати телефони: 30-09-09.**

**Шу рақам орқали барча қўнғироқлар — бепул.**

**"ЎЗДУНРОБИТА" ҚК.**

**Хаққ  
сўзи**

9

12  
апрель



РЕКЛАМА

ЭЪЛОНЛАР

**АПИФЕН**



мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.

Кунига уч маҳал  
1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

СП / сўнгги асрада фарма сўмтег

СП / асрада фарма сўмтег

**ТРИДЦАТЬ  
ПЛЮС**

Бардам ва тетик  
бўлишингиз учун



Шаҳар дорихоналаридан сўранг

Тошкент шаҳри Хамза туманидаги 77-мактаб жамояси мактаб директори Насиба Абдурахмоновага волидаи мухтарамаси

Саидбеғим аз Эшмухаммедованинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ANA**  
FOOD  
MACHINERY

**Курбон ҳайитингиз  
муборак бўлсин!**

**УСКУНАЛАР**

- ANA-1500 модели  
- ANA-2000 модели

60-65 фойз олш нав ун чиқади.

Қуввати - бир кеча-кундузда 35-500 тонна.

**МИНИ-НОВВОЙХОНАЛАР**

- ANA-330 модели, соатиға 150 кг.

- ANA-700 модели, соатиға 250 кг.

- ANA-1300 модели, соатиға 425 кг.

**МАКАРОН МИНИ-ЗАВОДЛАРИ**

Соатиға 100 килодан 150

килогача.

**МАХСУЛОТНИ ЎРАБ ЖОЙЛАЙДИГАН**


**УСКУНАЛАР**

1997 йил 22-25 апрель кунлари Ўзэкспомарказда ўтказиладиган махсулотларимиз кўргазмасига таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани,

У. Юсупов кўчаси, 95-уй, 35-хона.


Тел.: (3712) 41-63-73.



Газетанинг 5 апрель сони 9-бетдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электр алоқаси хизматиға тарифлар" сарлавҳали эълоннинг сўнгги абзаци "Қуйидагилар телефон аппарати учун тўловлардан тўла озод қилинадилар: қариялар уйлари қариялари, ақлий норасолар ва болалар уйлари, ижтимоий ҳимояға муҳтож бўлган болалар мактаб-интернатлари", деб ўқилсин.

**"АНАН СЕРВИС" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

**"ОЛТОЙ" Т-28, МТЗ-80**



тракторлариники

**БАРЧА ТУРДАГИ**

**ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ**

таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 40. Тел.: (3712) 42-27-89, 42-29-95.

# МУРУВВАТНИНГ ДАРҒОҲИ КЕНГ ЭКАН



ГЕМОФИЛИЯНИНГ БЕРИЛУВЧАНЛИК

**Дунёда касалликнинг тури кўп. Хеч кимнинг шифокорга иши тушмасин, дебият қиламиз. Лекин шифокорсиз ишимиз битмайди.**

Аксарият пайтларда энг сўнгги чора сифатидагина беморни касалхонага олиб борамиз. Ва касаллик яқин кишимизни адоий тамоом қилганини эшитиб, афсус-надомат чекамиз. Ваҳоланки, вақти-вақти билан шифокор назоратидан ўтиб турилса, зарар қилмасди.

Ўйинқароқ жиянимизнинг оёғини ноҳос шиша парчаси кесиб кетганди, қон сира тўхтамади. Оқ қандни эзиб сепдик, увадани куйдириб, кулини босдик. Барибир фойда бермади. Касалхонага олиб боришга тўғри келди. Ўшанда илк бор қон қуюлмаслик касаллиги ҳақида эшитгандим.

Кейинчалик тиббиёт фанлари доктори Учқун Олтибоев билан суҳбатлашиб қолганимизда, у киши ушбу касаллик ҳақида менга батафсил тушунча берди. Ҳа, хасталикнинг оғир-енгили бўлмайди, деганларидек, кўпчилик учун нотаниш бўлган бу дард ҳам ёмон оқибатларга олиб келар экан...

Гемофилия деб номланувчи ушбу касаллик ирсий хусусиятга эга бўлиб, оналар қони орқали фарзанда ўтиши мумкин. У гемо -- қон, филия -- берилувчанлик,

яъни, қон кетишига берилувчанлик, деган маънони англатади. Бу касалликка чалинганлар терининг тилинишидан сақланишлари керак экан.

Ғулумжон исми йигитни танийман. Унинг икки ўғлида ҳам шу касаллик белгилари бўлган. Дастлаб ёш ота-она буни пайқаман. Катта ўғил тилини тишлаб, қонатиб юборади. Қон тўхтамай, сўлак безлари билан ошқозонга тушиб, гўдакнинг кўнглини айнитган. Табиийки, ўғлининг қон қусганини кўрган ота-она ваҳимага тушиб, шифокорга юрган. Шундан кейингина боладаги қон қуюлмаслик хасталиги аломатлари маълум бўлган.

Болани асраб қолиш анча мушкул, у кўп қон йўқотган эди. Бечора отанинг аҳволини эса сўз билан ифода этиш мушкул.

«Мен афғон урушини кўрдим. Ҳанузгача уйқумда ҳаловат йўқ. Агар ўғлим нобуд бўлса, мен учун яшашнинг қизиги қолмайди. Уни сақлаб қолинг, жон дўхтир!» -- дея илтижо қиларди у.

Хайриятки, шифокорларнинг сая-ҳаракатлари зое кетмади. Маъсум гўдак омон қолди.

Яқинда Ғулумжоннинг ўғли даво топган шифохонага йўлимиз тушди. Пойтахтимизда жойлашган ушбу гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда бир вақтнинг ўзиде 600 га яқин бемор ётиб, даволаниши мумкин. 1985 йилда институтда гемофилик беморларга мўлжал-

ланган 46 ўринли мактаб-интернат очилган эди. Ҳозирда институт ҳам шу бинода жойлашган.

Институт директори, тиббиёт фанлари доктори Озод Нажмидинов билан анча суҳбатлашдик. У киши бизга клиникадаги шарт-шароит, олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Бу ерда қон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 20 турдаги препаратлар қўлланилади, беморларга махсус ёрдам кўрсатадиган тиббий воситалар мавжуд. Лекин тиббиёт кун сайин тараққий этаёпти. Янги-янги, самарали асбоб-ускуналар яратилмоқда. Замонавий доридармонлар керак. Оғир касалликлар учун махсус шарт-шароитлар яратилса, беморнинг соғлигини тиклаш янада осонлашади. Бунинг учун институтга ёрдам керак. Тақдир тақозоси ила бундай хасталикка учраган беморлар яхшиларнинг хайр-саховатига, меҳру мурувватларига муҳтож. Кўпчилик беморларнинг ота-оналари ана шундай ташаббусни кўтариб чиқишди.

Албатта, халқимиз орасида ҳотамтой, саҳоватпеша кишилар кўп. Улар республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги шифохонада наҳот кутаётган беморлардан кўмакларини аямайдилар, деган ниятдамиз.

Абдурахмон ЖўРА.

## МУЧАЛ ТҲЙИ

... Бу гал давра тўрига эл-юртга танилган, ёши улўв кишилар, ё бўлмаса, азиз меҳмонлар эмас, аксинча, ҳали болалик орзулари ва шўх-шодонликлари билан нафас олаётган бир гуруҳ ўғил-қизлар тақлиф этилди. Устоз муаллимлар, маҳалла оқсоқоллари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, санъаткорлар 18 нафар болакайни мучал тўйи--12 ёшга қадам қўйганликлари билан қўтладилар.

Избоскан туманидаги Холмат Тўрабоев номли мактабда илк марта ўтказилган мучал тўйи соҳибларининг кўпчилиги шу ёшга қадам устозларидан араб, инглиз ва рус тилларида ёзиш-чиқишни, ҳатто гаплашишни ҳам қисман ўзлаштириб олганлар. Болалар келгуси мучал тўйига қадам фан асосларини чуқур эгаллашга тўпланганларни ишонтирдилар.

Кишлоқнинг энг ҳурматли кишилари болакайларга эсдалик совғаларини топширишди. Наинки кишлоқда, балки туманда ҳам бундай тадбирларни ўтказиш энди анъанага айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Ш. ОДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ДАРДИНГИЗГА ДАВО

### ХАУХ -- ШАФТОЛИ

#### Табиати.

Иккинчи даражанинг охирида совуқ ва биринчи даражада ҳўл, аммо (бу даражанинг) охирида эмас.

#### Таъсир ва хоссалари.

Шафтолининг рутубати (унинг) тез сасишига ёрдам беради. У юмшатовчи бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор; унинг энг буруштирувчани қоқисидир. Шафтолида (ҳўлларининг) оқишини тўхтатиш хусусияти бор. Хом шафтоли ҳам буруштирувчи бўлади.

#### Зийнат.

Унинг япроғини (эзиб) суртилса, оҳқанинг (баланд қолган) ҳилини кесади.

#### Бош аъзолари.

Шафтолининг баргидан олинган сувни қулоққа томизилса, қуртларни ўлдирарди; унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади.

#### Озиқлантириш аъзолари.

Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатта иштаҳа тўғдириш хусусияти бор. Аммо (шафтолини) овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади ва ўзи ҳам бузиларди; шунинг учун уни овқатдан илгари ейиш керак. Қурилган шафтоли кеч ҳазм бўлади ва гарчи озиқлиги кўп бўлса ҳам, яхши озиқ эмас.

#### Чиқариш аъзолари.

Шафтолининг баргини киндикка қўйиб боғланса, қориндаги қуртларни ўлдирарди, унинг гули ва япроғининг сиқиб олинган сувини ичилганда ҳам шундай таъсир кўрсатади. Пишган шафтоли ичми юмшатади, хоми эса (ичми) қотиради. Баъзиларнинг айтишича, у шаҳвоний қувватни оширади. Бу таъсир (иссиқ ва) қуруқ баланларда бўлса керак.

### ҒАРАБ -- МАЖНУНТОЛ

#### Тақлиш.

Унинг пўстлоғи ва елими ишлатилади. Елимини тилиш йўли билан олинади. Шунда яхши бурақ ҳосил бўлиб, у ейиш учун энг яхши бурақлардан ҳисобланади.

#### Хоссалари.

Унинг гули, барги ва уларнинг ширалари ачитмасдан қурилади.

#### Зийнат.

Ёғочининг кулини сирка билан сўталга (қўйилса)

қурилади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам, уни кўчириб туширади. Пўстлоғи сочни бўяйдиган бўёқлар (таркиби)га қиради.

#### Жароҳат ва яралар.

Унинг пўстлоғини ва баргини янчиб, кесилган ерга ва янги жароҳатларга қўйилса, фойда қилади.

#### Бўғинлар.

Қайнатмаси подаграда қўйиладиган яхши доридир.

#### Бош аъзолари.

Агар баргининг ширасини гул ёғи билан анор пўстида қайнатиб, қулоққа томизилса, қулоқ оғригини қолдиради. Шунингдек, ҳўл пўстлоғи ҳам шу таъсирни кўрсатади. Қайнатмаси билан қазроқни ювилади.

#### Кўз аъзолари.

Унинг елими ва гули кўз хиралигини кетказади.

#### Кўкрак аъзолари.

Унинг меваси қон туфлашларда фойдалидир. Пўстлоғи ҳам шундай таъсирга эгадир.

#### Озиқлантириш аъзолари.

Унинг шираси -- (ютилган) зулукни ҳайдайди.

### МИШМИШ -- ЎРИК

#### Тақлиш.

Яхшиси арман ўригидир, чунки у тез бузилмайди ва тез ачимади. Ейилганда мастаки ва Рум бодийини бир ё икки дирҳам миқдорида баб-баравар олиб соф шароб ёки майиз, ёинки асал набизи (билан) бериларди.

#### Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл. Мағзининг ёғи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

#### Хоссалари.

Ўрикнинг (пайдо қилган) хилти тез сасийди.

#### Нафас аъзолари.

Туршак суви ташналикни қондиради. Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир. Арман ўриги меъдала бузилмайди ва тезда ачимади. Ўрик егандан кейин Рум бодийени ва мастакини беҳи шарбати ёки майиз шаробига солиб ейилса, унинг зарарини қайтарарди. Совуқ мижозли кишилар эса, тоза асал билан ейишлари керак.

#### Чиқариш аъзолари.

Мағзининг ёғи бавосил касалига фойда қилади.

#### Иситмалар.

Ўрик тез бузилиши сабабли иситмаларни келтириб чиқаради. Лекин ивтилган туршак иситмаларга фойда қилади.

## СИГАРЕТНИНГ САРОБИ

Она қорнидаги ҳомила эритроцитларида 90 фоиз фертиль гемоглабини (ҒГ) бўлади. У гемоглабиннинг энг содда тури бўлиб, иссиқлик таъсирида тез парчаланарди. ҒГ катталар гемоглабинига нисбатан углерод оксиди билан тезроқ бирикиш хусусиятига ҳам эга. Шу боис оғироек аёлларнинг чекиши ҳомилага катта зарар етказади. Яъни, ҳомила организмдаги гемоглабинлар углерод оксиди билан бирикиши натижасида унинг таънасида кислород тақчиллиги юзага келади.

Гўдак туғилганидан кейин фертиль гемоглабини камайиб боради ва бир ёшга тўлганида унинг организмдаги мавжуд эритроцитларда фертиль гемоглабини миқдори бор-йўғи 15 фоизни ташкил этади, холос. Гўдакнинг сигарета тутунига мойиллиги шу билан изоҳланади. Бўлғуси оналар мана шу далиллардан тегишли хулоса чиқариб олишади, деб ўйлайман.

Рэзвo РАСУЛОВА  
шифокор.

# САҲНАДАГИ «ЖОНЛИ СУРАТЛАР»

Мен кўп бор театр рассомлари билан ҳамсуҳбат бўлиб, иш жараёнини кузатганман. Тўғриси, уларнинг фаолиятида машаққатлар кўп. Рассомлар ўз фикрларини бир парча матода ифодалашса, ушбу соҳа мусаввирлари эса аксинча, бутун бошли саҳнага «жонли сурат» чизишади. Янги спектаклнинг муваффақиятли чиқишида асарнинг савияси, режиссураси, актёрлар маҳорати билан бирга, унинг декорацияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан ҳатто «кучли» декорация ўртамиёна драманинг «айбларини» ёпиб юбориши мумкин. Унга кўп нарса боғлиқ.

Истеъдодли ижодкор Бахтиёр Тураев ана шундай мусаввирлардан бири. У гарчи ҳали анча ёш бўлса-да, лекин бир неча йилдан бери Ҳамза номидаги академик театрининг бош рассоми сифатида фаолият кўрсатаёпти. Шу кунгача 20 дан зиёд саҳна асарларига рассомлик қилган. Энг муҳими, мутахассислар унинг ҳар бир ижодий ишига янгилик сифатида баҳо беришяпти.

Дарҳақиқат, у спектаклнинг саҳна безакларини ишлаш жараёнида асарда тасвирланган давр руҳи, унинг мазмун-моҳиятини рамзлар, тасвирлар воситасида томошабин кўз ўнгида яққол гавдалантиришга ҳаракат қилади. Бундай декорациялар кишини фикрлашга ундайди, асар руҳига киришига кўмаклашади. Бўёқли сўзлар билан айтадиган бўлсак, рассомнинг саҳнадаги ҳар бир ижодий ишини унинг фалсафаси сингдирилган жонли картинага қиёс этиш мумкин. Аслида ҳам шундай. Мусаввир ижодхонасида турли спектаклларга ишланган саҳна кўринишлари акс эттирилган картиналар осийлик турибди. «Еркиной», «Қатагон», «Соҳибқирон», «Чимилдиқ», «Машраб»... Рангин, рамзийликка бой бу тасвирлар кишини теран мушоҳадага ундайди. Айтиш мумкинки, рассом ўз ижодхонасида дунёга келган янги асарни бор буй-баста билан саҳнага кўчиради. Унинг муваффақиятини таъминлайдиган асосий омил ҳам шундадир, эҳтимол.

Яқинда пойтахтимизда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган спектаклларнинг «Наврўз -- 97» халқаро фестивалида Бахтиёр Тураев рассомлик қилган учта саҳна асари намойиш этилди. Ҳамза театрида саҳналаштирилган «Соҳибқирон», Чимкент ва Сурхондарё вилоятлари театрларида қўйилган асарлар моҳиятан бир мавзуга бағишланган бўлса-да, рассом уларнинг ҳар бирининг декорациясини турлича талқинларда яратишга эришган. Ҳар бири алоҳида саҳна ечимига эга. Хусусан, академик театрда намойиш этилган асар воқеалари улкан, нақшинкор қаср «ичида» кечади. Фалсафий-реалистик йўналишда яратилган ушбу декорацияни кўздан кечираркансиз, ижодкор биринчи навбатда жаҳонгир бобомиз тиклаган буюк салтанатнинг энг муҳим жиҳатлари бўлмиш ўша пайтларда гуллаб-яшнаган илфан, санъат ва маданиятни ёрқин акс эттирганлигини кўрасиз.

Чимкент ва Сурхондарё вилоятлари театрларида қўйилган асарлардаги саҳна кўринишлари рамзлар, абстракт ҳолатлар асосида қурилган. Қозоғистонлик саҳна усталари яратган спектаклдаги воқеалар осийиб турган улкан ер шари фониде бўлиб ўтади. Қаерда жанг кечса, шарда ўша жойнинг тасвири пайдо бўлади. Фаришталар ҳаминша Соҳибқирон боши узра чарх уриб, уни кўриқлаб юради. Шу тариқа асар қаҳрамонининг илоҳий ҳимоятда эканлиги рамзий воситалар орқали тасвирланади. Сурхондарё вилоят театри спектакли эса улкан тугун асосида қурилган. Асар бошланишида масҳарабоз каттакон тугун устида захарханда қилиб ўтиради. «Келинлар, шу тугунни ечиб кўрайлик», дейди у ёнидагиларга. Томошанинг бошидан охиригача масҳарабоз бир чеккада ана шу юмуш билан машғул бўлади, лекин барибир бу ишни удалай олмайди. Рассомнинг фикрича, аслида ҳаётнинг ўзи ечилмаган тугун, яъни жумбоқлардан иборат. Шу жумладан, инсон ҳам. Ҳеч қачон бутунлай ана шу жумбоқларнинг тубига етиш мумкин эмас. Ижодкор шу тариқа Амир Темур шахсининг мураккаблиги ҳамда ўша давр қарама-қаршилиқларини саҳнада ифодалашга эришган.

Бундай «кутилмаган» саҳна ечимларини у рассомлик қилган бошқа спектаклларда ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, ўтган йили Ҳамза театрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган «Қатагон» спектаклини олайлик. Ушбу асар декорациясини ишлашда рассом собиқ тузумнинг чиркин қиёфасини саҳнада тасвирлашга ҳаракат қилди. Бунинг учун улкан, қип-қизил қон рангидаги тарози асос қилиб олинди. Тарозининг посангиси бузуқ, у ҳеч нарсани тўғри ўлчай олмайди. Бутун спектакль давомида ғайри табиий равишда ёнламасига тебраниб туради, унга осилган тириклик, ҳаёт тимсоли бўлмиш беланчак эса қаттиқ-қаттиқ чайқалади... Кимдир бу кўринишни ҳатто фожиялар макони бўлмиш Бермуд учбурчагига ҳам қиёслаганли ўшанда. Зотан, томошабин ундан яна истаганча маъно «қўйиши» мумкин. Тарозининг теграсида осийиб турган қуриган шох-шаббалар ҳам қип-қизил рангда, бироқ уларнинг ёнидан янги, ям-яшил ниҳоллар буй кўрсатиб келаяпти. Воқеалар ривожини билан бирга асар сўнггида бузуқ тарози ҳам кулайди. Рассом заволга юз тутган собиқ жаҳмиёт ва унинг ўрнида тугилган янги ҳаёт нишонларини шу тариқа

рамзий кўринишда яққол ифодалаган эди. Биз рассомнинг театрдagi ижодхонасида анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Ҳар бир саволимга аниқ-лўнда жавоб берар, табиатан камтар инсон эканлиги сезилиб турарди. — Театрда бош рассом бўлиб ишлаш осонми? — сўрайман ундан. — Бунинг учун одам ўзига ишонган, ташкилотчи ва сўзини ўткази оладиган бўлиши керак.



Битта декорацияни тайёрлаш учун қанча маблағ, меҳнат сарф қилинади. Агар ҳаммаси пухта қилинмаса, кўпчиликнинг меҳнати куйиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Демак, сиз чўрткесар киши экансиз-да, шундайми?

— Билмадим, — дея кулади мусаввир. — Ҳар қалай, доимо кўл остидаги қўлларим меҳнатини қадрлаб, ҳимоя қилишга интиламан.

— Театр рассомчилиги соҳасида кимни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Георгий Бримнинг ижодий фаолияти мен учун катта ҳаёт мактабидир. Брим — ниҳоятда кенг қамровли ва буюк қалб эгаси бўлган инсондир. У кишининг кимлигини билмоқчи бўлганлар, бориб унинг спектаклларини кўришсин. Ана шунда ҳаммаси ойдинлашади. Бримнинг ишларидан ҳайратланмай илоҳи йўқ.

— Қайси режиссёрлар билан ҳамкорлик қилиш сизга ўнгайроқ?

— Рассомнинг фикрини тўғри тушуниб, уни ўз фикри билан бойитиб, амалга оширадиган режиссёр билан ишлагим келади.

— Шундай одамни товдингизми?

— Назаримда, ҳали «ўз» режиссёрини топганимча йўқ.

— Декорацияни тайёрлашда кўпроқ кимларнинг хоҳишига қулоқ соласиз?

— Бу жиҳатдан мени ўзбилар-

мон дейишади, — деб кулади рассом. — Чунки ўз ниятимни амалга оширмагунимча кўнглим жойига тушмайди. Лекин барибир баъзан ён беришларга ҳам тўғри келади. Саҳна безакларига режиссёрнинг ҳам тахминан 30 фоиз «идея»лари сингдирилган бўлади.

— Баъзилар, саҳналаштирувчи рассомнинг иши фақатгина декорация яратишдан иборат, деб ўйлашадими...

— Йўқ, ундай эмас. Мусаввир қайси соҳада меҳнат қилмасин, буюқлар унинг асосий ижод қуроли бўлади. Мен ҳам кўплаб картиналар яратганман. Бўш вақт топилди, дегунча мўйқаламни қўлга оламан.

— Нима учун асарларингизнинг кўргазмасини ташкил этмайсиз?

— Баъзан вақт етишмаслиги, баъзида эса эринчоқлик панд беради. Лекин ният бор. Насиб этса, яқин вақтларда ижодий кўргазмамни уюштириб, каталог чоп эттирмоқчиман.

— Кўпроқ қайси жанрда ижод қиласиз?

— Портрет жанри — жону дилим. Ана шу усулда инсоннинг ички қиёфаси, руҳиятини акс эттиришга ҳаракат қиламан. Бундай туркумдаги асарларим бир талай.

— Маана бу суратнинг номи нима? — дея сўрайман рассомдан одамсифат тошбақа устида боши билан ўйинга тушаётган масҳарабоз тасвирланган картинага ишора қилиб. Қизиги, масҳарабознинг юқорига кўтарилган оёқларидаги тарозининг бир палласида илон, иккинчисида эса ниқоб (ясама қиёфа)лар қўйилган эди.

— «Рақс» деб номлаганман. Бу сурат фалсафий-сатирик туркумдаги асарларим сирасига кириди. Уларда мен инсон руҳиятидаги зиддиятлар, иллатлар ва қарама-қаршилиқларни тасвирлашга ҳаракат қилганман.

— Ранглар ҳақида нима дея оласиз?


— Ранглар — беқиёс қудратга эга. Мусаввир улар воситасида ҳар хил муҳит, ҳолат яратиши мумкин. Ранглар кишида турлича фикр уйғотади. Рассом эга буюқтар моҳиятини чуқур ҳис эта билиши керак.

— Қайси рангни кўпроқ ёқтирасиз?

— Нисбий тарзда айтганда, яшил рангни. Чунки яшил ранг — янги ҳаёт тимсоли. Назаримда, мусаввир ижоди ана шу буюққа монанд бўлиши, яъни ҳаминша яшнаб туриши керак.

«Халқ сўзи» муҳбири Фафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: 1. Бахтиёр Тураев (ўртада) устози Георгий Брим билан. 2. Мусаввир асарларидан намуналар.



**Шахсни унинг маънавий қиёфаси танитади. Маънавиятнинг ибтидоси эса тарбиядир. Ибн Сино айтганидек, тарбия она қорнидан бошланади. Бу дегани, болага авлод-аждодининг қонидан (наслидан, пуштидан) юққан ва она сuti билан кирган бўлади.**

Баъзан кишиларнинг фельд-атвориға баҳо берилётганида «қондан ўтган, сут билан кирган», деб бежиз айтилмайди. Ҳар бир киши ўз маънавий дунёсига эга бўлиши билан шахсдир. Яъни у бош ҳарфлар билан ёзилган ИНСОНдир. Маънавий дунё тарбия, иймон-этиқод ва илм билан бойийди, тақомилга етади ва шахсни комиллик сари етаклайди. Жамиятда илгор фикрли, маънавий

мустақиллик шарофати деб биламан. Мустақиллик ота-бобомиздан ўтган, Шўро даврида кул босиб қолган энг азалий қадриятларимиз, хислатларимизни жўш урдириб юборди. Кўрдингизми, бу ерда шахснинг жамиятга ва жамиятнинг шахсга таъсири миллат маънавиятини юксалтиришга ва жамият тараққиётига олиб келди. Иттифоқ даврида ҳам шахсга эътибор бор эди. Аммо у саноқли эди. У рўйхатда эди.

қилишади: «Қани, у нима қиларкин?» Шунга қараб буй бўйлашади. Бу йил Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Манфаат аслида одамларнинг бир-бирига самимийлигидан, бир-бири олдидаги масъулиятдан, қолаверса, меҳр-оқибат ва одамийлик туфайли келиб чиқадиган ҳодиса. Шахс ўз манфаати, яъни ўз «мен»ини ҳамма нарсдан устун қўйса, манмансираса, ён-

атрофидагилар билан ҳисоблаш-маса, бу энди унинг худбинлигидир. Худбинлик жоҳилликдан келиб чиқади. Баъзи одамлар ҳали у, ҳали бу нарсдан нолиб юришади. Бизга кўп оилавий ажралишлар, алимент, уй-жой, мерос масалаларида мурожаат этишади. Шунда ахир булар барчаси қонун йўли билан ҳал этиладиган фактлар, сиз судга мурожаат этинг, дея оламиз, холос. Наҳотки бундай кишилар ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқларини билишмаса?! Биз қонун билан яшаш ва ишлашни қачон ҳаётга тадбиқ этамиз? Қачон ўрганамиз? Ахир, қонунларда инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинган-ку! Буни қачон тушуниб этамиз?

Қутби НОСИР қизи.

**ЎЗИМИЗНИНГ КИНО КЕРАК**

Кў-ўп йиллар театрчилар томошабинларимизни тортиб олиб қўйишди, деб киночилардан хафа бўлиб юришди. Ҳозир киночилар ҳаммани ўзига оғдириб олди, деб видеочилардан дилгир. Шундан кейин киночилар билан видеочиларни... бирлаштириб қўя қолишди. Шундай қилиб туманларда видео-кино ҳиссадорлик жамиятлари вужудга келди. Мен ақинда ана шундай жамиятнинг Узун туманидаги раиси Аҳмаджон Раҳматуллаев билан ишларнинг аҳволи ҳақида гаплашдим. Унинг маълумотиға қараганда, тўқсон олтинчи йилда харажат даромаддан ошиб кетипти. Нега?

-- Одамлар кинога келмайди! -- дейди у киши куйиниб. -- Нега? Туманда бешта киноқурилма ва битта киши «Коинот» деган кинотеатр бор. Наврўз арафасида икки серияли бир кино қўйишган эди-ўн беш одам кирди. Ўн беш йилдан бери қўлдан қўлга ўтиб юрган бу лента узиллавериб, улана-вериб шу даражада абгор бўлган эканки, уч соатлик кино икки соатга қолмасдан... тугади. Экрандаги тасвирнинг яроқсизлигидан томошабинлар кино тугамасдан чиқиб кетишди.

-- Одамлар кинодан безиб кетган. Чунки уйда ҳар кун икки-учта кино кўради. Биз кўрсатадиган кинолар эса жуда эски.

Сиз одамларни кинобездорликда айбламанг. Жаҳон фестивалларида мукофот олган киноларни олиб келинг, одамлар жо-он деб кўради.

-- Ундай киноларни қаердан топамиз? -- Кинотеатрларни кино оламининг яхши намуналари билан таъминлайдиган махсус идоралар бор-ку!

-- Улар тақлиф этаётган махсулотларнинг ҳаммаси эски, намойиш учун яроқсиз. Бунинг устига ҳаммаси негадир чет элики.

-- Кўнгилга ёт нарса учун томошабин пул тўламайди ва жуда тўғри қилади.

Тождилдин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ШАХС,**

**МИЛЛАТ, МАЪНАВИЯТ**

камолот чўққисига эришган кишилар қанча кўп бўлса, миллатнинг маънавиятини шулар белгилайди. Ўзбек миллатининг маънавиятидек гузал маънавият қайси халқда бор?

Бир мисол. Қадимда оилада эркак киши бўлмаган уйнинг бекаси эшик олдиға челақни чиқариб қўйган. Ўтган-кетган йўловчи тамизи билан шу хонадонга сув кераклигини билган. Ва челаққа сув тўлдириб, эшик ортиға қўйиб кетган. Бу ерда ҳеч ким ҳеч кимга буйруқ бераётгани йўқ. Фақат инсоннинг инсон олдидаги бурчи ало этилди, холос. Ёки инсонни сўнгги йўлга кузатиш маросимини эслайлик.

Серқатнов йўлда одамлар дарёси оқмоқда. Ўртада оқ елкандек тобут. Йўлнинг икки чеккасида харақат ўз-ўзидан тўхтаган. Хайдовчилар ҳам тобутни бир-икки қалам кўтариб боришга шошадилар. Уларға ҳеч ким буйруқ бераётгани йўқ. Лекин инсоннинг инсон олдидаги бурчи шунга даъват этади. Нега шу одат кўп яхши қадриятларимиз йўқолаётган иттифоқ даврида ҳам сақланиб қолди? Чунки булар бизга ота-боболаримиз қонидан, руҳиятидан ўтиб қонимизга, жонимизга сингиб кетганди-да.

Шахс руҳиятиға, маънавиятиға у яшаётган оила муҳити, жамоа, маҳалла, жамият таъсири катта. Яқинда бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. «Илгарилари ишга юрак ҳовучлаб борардим. Кўп касал бўлардим. Кўп ишдан қолардим. Навбатдаги касаллик варақасини олиб борганимда бошлиқ нима деркин, деб безислаб турардим. Энди-чи? Касал бўлишга вақт йўқ. Илхонадаги муҳит ҳам бутунлай узгача, ишбилармон бўлиб қолдим», дейди у.

Шахсга эътибор, имконият, эркинлик берилса, у нималарға қодирлигини кўриб турибмиз. Ҳозирги замон кишиларида ишбилармонлик, тадбиркорлик, омилкорлик, топқирлик, ғайрат ва ташаббус жўш ураётганининг сабабини

Икки ишчи. Иккиси ҳам бир хил вақт сарфлаб, бир хил дастгоҳда ишлаб, бир хил маҳсулот беради. Лекин уларнинг бирига эътибор катта. Аввал мусобақа голиби, сўнг лауреат, сьездға делегат, Москваға юборишлар, орден беришлар ва ниҳоят, у қаҳрамон. Ёнидаги ҳамкасби эса қаҳрамоннинг соясида қолиб кетаверарди. Шундай бир илгор аёлни билардим. Ҳатто ёзмақчи ҳам бўлдим. Оиласи, болалари билан қизиқдим. Афсуски, у турмуш ўртоғи билан ажралишган, ўгли кўча боласиға айланиб қолган. Қаранг, бу аёлнинг жамиятдаги илгорлиги оилаға фожиа олиб келган. Ахир, уч сменалаб ишлагандан кейин у қандай она бўла олади? Оиласида қандай маънавий муҳит ярата олади? Албатта, шўро давридаги шахсга эътибор ҳам ура-урачилик асосида эди. Яъни, шахсга инсон деб эмас, ишлаб чиқариш қуроли деб қараларди. Унинг ҳаёти, дарди, алам-ташвишлари, қувончлари панада, ютуқлари ортида қолиб кетаверган. Шунинг учун ҳам Президентимиз жўн куйдириб бу йилни Инсон манфаатлари йили бўлсин, деб шиор ташлаганлари бежиз эмас.

Яқинда бир нуфузли мажлисда «шу куннинг қаҳрамони ким?» деб савол ташлаганлари бежиз эмас. Шу ўринда шахс ва шуҳрат ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Агар шахс ўз «мен»ини сунистеъмом қилиб, яъни худбинлик билан шуҳратға интилса, бу унинг ўзига ҳам, жамиятға ҳам яхшилик олиб келмайди. Ахир, биз қанча қаҳрамонлар ясадик. Булар барибир ўртак бўла олмади. Негаки улар зўрма-зўраки эди. Вақти келиб эл назаридан қолиб кетишди ҳам. Шуҳратли киши бўлиш инсондан меҳнати билан бирга комилликни, фозилликни талаб қилади. Бир эътибор беринг-а. Одамлар бирон иш қиладиган бўлса, жамиятдаги фаол, илгор, фозил, эл назарига тушган одамларға қараб иш



**КЕТИБ БОРАР БИР ҲАТТИ АЗИЗ**

Донишманддан сўрашибди: -- Умрнинг мазмуни нима? Донишманд жавоб қилибди:

-- Бунинг икки таърифи бор: биринчиси -- одамийлик, яъни кўпчиликка меҳр-муҳаббатли бўлиш, иккинчиси -- фидоийлик, яъни элга хизмат қилиб, бир марта бериладиган умрни зийнатлашди.

Назаримда, бундай таърифлар кўпроқ муаллимлар ҳаёт йўлиға тааллуқлидир. Чунки ана шу иккала сифат ҳам уларнинг машаққатли меҳнатлари билан узвий боғлиқ. Устозлар кишиға норасида гўдақлигдаёқ меҳр қўйиб, минг машаққатлар ила илм беради, демакки, умрларини халқ хизматиға бахш этишади. Бу эса дунёдаги энг савобли юмушлардан биридир. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий ҳам «Кимки бир ҳарф ўргатмиш сенга юз ранж ила, онинг ҳаққини адо этиб бўлмас, юз ганж ила», деб бежиз лўф қилмаган эди.

Хокисорлик -- ўқитувчиларға хос хусусият. Бу нарса уларнинг турмуш тарзи, юриш-туришлари, қалбида ва ҳатто, кийинишлари-ю, ташқи қиёфасида ҳам яққол зуҳурланган бўлади. Хокисорлик -- кўнгил боқиралигидан нишона. Қулмамат Бобоқулов ҳам ана шундай инсонлардан эди. У киши қарийб 50 йиллик умрини маориф соҳаси ривожига бағишлади. Ҳали эндигина мактабни тугатган илмға чанқоқ ўспирин йигит 1944 йили Чироқчи туманининг Уйшун қишлоғидаги мактабда болаларға дарс бера бошлади. Уша чоғлар олис жангтоҳларда давом этаётган қирғинбарот уруш шу чекка қишлоқларда ҳам яққол сезилиб турарди. Эр йигитларнинг ҳаммаси фронтға кетган, қишлоқларда эса ёш-яланг, хотин-халаж ва қари-қарангларға қолишганди. Оғир замонлар эди ушанда. Лекин нима бўлганда ҳам ёшларға билим бериш керак эди. Ҳали «она сuti оғзидан кетмаган» Қулмаматнинг чекига ана шундай вазифа тушди. У бор куч-ғайратини ишға солди, уйма-уй юриб, болаларни тўплаб уларға дарс берди.

Урушдан кейинги машаққатли тикланиш йилларидаги меҳнатларини шоғирдлари ҳамон эслаб юришади. У чоғлар кўп ўқувчилар мактабға қишда лой, ёзда тупроқ кечиб, қўшни қишлоқлардан қатнашарди.

Дарслар тугагач, улар уйлариға кетолмай Қулмамат муаллимниқида ётиб қолишарди. Баъзан ҳаф-

талаб, ўн кунлаб ана шу ҳолат такрорланарди. Муаллимнинг бағри кенг, шоғирдлариға отадай меҳрибон эди.

Уша йилларда унинг ҳам сабоғини олиб, ҳам нон-тузини еб улгайган ўқувчилар бугун турли соҳаларда меҳнат қилишарди. Уларнинг сафида оддий ишчидан тортиб, масъул лавозимдаги кишилар, илм аҳдларигача бор. Барчасини устоз билан бирга, 1952 йили Самарқанд давлат университетида сиртдан ўқиди. Бу пайтга келиб унинг номи бутун Чироқчи туманида маълуму машҳур, ёшларни ўқитиш-тарбиялаш борасидаги тажрибалари бошқалар учун ибратли эди. Узоқ йиллар мобайнида тумандаги энг йирик 1-ўрта мактабда директорлик қилди. Ҳаётнинг сўнгги йилларида ҳам мазкур илм масканида фаолият кўрсатди. Минглаб шоғирдлари шууриға зиё бахш этди. Улар бугун чароғон чироқ янглиғ домла хотирасини ёритиб турибди.

Бир кам дунё, дейдилар. Заҳматкаш инсон Қулмамат Бобоқулов ўқувчиларға бор меҳрини берди, бироқ ўзи тирноққа зор ўтди. Хонадонда чақалоқ йиғисини эшитиш унинг учун ушалмас армон бўлиб қолди.

У фарзандиға аталган меҳрини ҳам шоғирдлариға илдинди, шу билан ўқисик кўнглиға юпанч топди. Бир гал яқин кишиси унга маслаҳат солди: «Қачонгача шундай юрасан? Хотинингни қўйиб, бошқасиға уйлан, фарзанд кўрасан!»

Домланинг юрағиға наштар бўлиб санчилди бу сўзлар. Ахир, садоқатли умр йўлдоши Орзиғулни қандай қўзи қўйсин? Ботинидаги изтиробни сиртға чиқармай, ҳазил оҳангида жавоб қилди: «Э, менинг болаларим бир этак. Ишонмасанг, ана мактабға бориб кўр». Домла янглишмаган эди. Шоғирдлари унга фарзанд ўрнида фарзанд бўлиши, сўнгги манзилға ҳам ўзлари кузатиши. Бугун Орзиғул момо унинг хонадони чирогини ёқиб ўтирибди. У ҳам ўзини ёлғиз ҳис этмайди...

Ф. ЭШМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

**ТОЖ  
ДАЪВОГАРЛАРИ**

**ёки турнирлар тартибига киритилаётган ўзгаришлар хусусида**

Юртимизда шохмот мухлислари орасида Рустам Қосимжоновнинг номини эшитмаган киши топилмас керак. Яқинда Францияда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, халқаро гроссмейстерликнинг дастлабки талабини бажарган 18 ёшли бу шохмотчининг номи мамлакатимизда қанчалик тилга тушган бўлса, жаҳон шохмот оламида бугун Рустамнинг тенгқури, франциялик Этьен Бакро шу даражада мутахассислар диққат марказида турибди. Унга бўлажак жаҳон чемпиони сифатида умид билдириляпти. Зеро, Этьен Бакро энди 17 ёшга тўлган бўлишига қарамай, аллақачон халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган. «Бўлажак жаҳон чемпиони» бундан бир неча кун муқаддам Парижда ўтказилган йирик халқаро турнирда швейцариялик машҳур шохмотчи Виктор Корчной билан бирга

муваффақиятли донна суриб, ўзига билдириляётган ана шу катта ишонччи яна бир бор оқлади. Бакро сўнгги турга қадар пешқадамликни қўлдан бермай келди.

Гарчи шохмотда бирор бир шохмотчини маҳорат бобида иккинчиси билан қиёслаш ёки кучлилик борасида уларни биринчи ёхуд иккинчи даражада қилиб кўрсатиш ноҳоиз бўлса, биз Қосимжонов ва Бакронини ёнма-ён қўйишга жазм этдик. Чунки бу шохмотчилар тамоман бошқа-бошқа қитъаларда яшаса, шохмот оламида бир-биридан бу даражада узокда эмас. Бакро Ереванда ўтказилган Бутунжаҳон шохмот Олимпиадасидан бошлаб дунё шохмот мутахассисларининг эътиборини янада кенг миқёсда ўзига жалб эта бошлаган бўлса, Қосимжонов аввал ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидаги қатнашуви билан, энди эса катталар мусобақаларидаги муваффақиятлари билан ҳам нуфузли шохмотчилар сафига

аста-секин кириб борапти. Бакро ва Қосимжонов ўтган йили ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида шохмот тахтаси устида бир-бирига қарши келган эди. Унда аввалига ҳамюртимиз бироз устунликка эришган, сўнг партия дуранг билан якунланганди.

Дунё шохмотсеварларининг диққат марказида турган яна бир воқеа йирик турнирларда узок йиллар яшаб келган швейцарча тартибдан воз кечила бошланганлигидир. ФИДЕ ва Қалмиғистон Республикаси Президенти Қирсан Илюмжиновнинг ташаббуси билан олимпияча, яъни «ютқизган баҳдан чиқади» тартиби шохмот турнирларига ҳам кириб кела бошлади. Аввалига бу тартиб анъанавий Тилбург турнири ва Қалмиғистон Президенти кубоги учун халқаро турнирда синаб кўрилди. Баъзи мутахассисларнинг кучлилар муллатидан олдинроқ баҳдан чиқиб кетади, деган тахмин ва ҳавотирлари ўринсиз бўлиб чиқди. Олимпияча тартибининг афзаллигини қатнашчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишди. Бу афзаллик нималардан иборат?

Қирсан Илюмжиновнинг таъкидлашича, олимпияча тартибининг аввалги швейцарча тартибдан афзаллиги аввало шундаки, янги тартиб бўйича баъзи гроссмейстерларнинг ўткинчи партияларда донна суриши, яъни ўзаро дурангга келишиш ҳодисасига барҳам берилди. Чунки янги тартиб бўйича ҳар икки томонга ҳам маъъло мақсадлар учун керак бўладиган очқолар рол ўйнамайди. Ўтқизган баҳдан чиқади ва бу—ўз навбатида баҳснинг кескинлашуви, қизиқарлигининг ошишига олиб келади.

Икки шохмотчи ўртасидаги баҳс икки партиядан иборат бўлиб, у икки кун давом этади.

Агарда икки партиядо дуранг натижа қайд этиладиган бўлса, учинчи кун томонлар учун вақт чегараланган, яъни тезкор шохмот бобида яна икки партия ўзаро донна суришади. Мутахассислар бундан буён асосий баҳслар кўпроқ учинчи кун бўлади ва у голибни сузсиз аниқлайди, дейишмоқда. Шунингдек, учинчи кунги партияларда машҳур шохмотчи Фишер узок йиллар давомида мақсадига эришолмаган ҳар бир юриш учун белгиланган вақтга уч лаҳза қўшиш тақлифи инобатга олинади. Бу ўз навбатида шохмот соатларини ҳам янгидан ишлаб чиқишга олиб келадики, аини дамда Францияда янги соатларни ишлаб чиқиш йўлида уринишлар бошлаб юборилди.


Декабрь ойида Элиста шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам «ютқизган баҳдан чиқади» тартиби қўлланилади. Жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли 100 нафар шохмотчиси қатнашиши кутиляпти.

Бевосита мамлакатимиз шохмотига қайтадиган бўлсак, кейинги йилларда бир қатор истеъдодли ёшлар катта авлод шохмотчилари қаторига келиб қўшилиётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни ўтган ҳафта Қаршида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионати баҳслари ҳам кўрсатди. Мутахассислар Антон Филипов (14 ёш), Беғали Саидов (18 ёш), аха-ўка Жўрабех (10 ёш) ва Иброҳим Ҳамроқуловларнинг (16 ёш) келажига катта умид билдиришяпти. Аинан улар ўз тенгқурали ўртасидаги чемпионатда голиб чиқишди. 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларда 9 ёшли чироқчилик шохмотчи — Сарвиноз Эргашеванинг 8,5 очко жамғариб, голиб чиқиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Эрта-индин аинан ана шу ёшлар халқаро майдонда юртимиз шохмотининг мавқеини белгилашса, ажаб эмас.

Расул ЖУМАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИМПИАДА ЯНГИЛИКЛАРИ

**ТАЭКВАНДО ОЛИМПИАДА «ОИЛАСИ»ДА**



мамлакатимиз терма жамоасини халқаро майдонда мутахассислар энг кучлилар қаторида тан олишяпти.

Шунингдек, триатлон (кўпкүраш) мажмуидан ўрин олган спорт турлари сони ярим километрлик масофага сузиш ва 40 километр-

лик велопоёга ҳисобига бойиди. Олимпиаданинг финал қисмида қатнашадиган кўл түпи ва чим устида хоккей жамоаларининг сони саккиздан ўнгага кўпайди. Олимпиада мусобақаларининг қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида штангачи аёллар баҳси ҳам дастурга киритилди. Эркин ва юнон-рим кураши ихлосмандлари учун эса «совуқ» хабар бор. Сидней Олимпиадасида бу спорт турлари бўйича полвонлар ҳар доимгидек ўнга вазн тоифаси бўйича эмас, балки саккиз вазн тоифаси бўйича гиламга чиқишади. Шунингдек, штангачиларнинг ҳам вазн тоифалари ўнгадан саккизгага туширилди.

Аини дамда каратэчилар Олимпиада оиласига қўшилиш учун ҳаракат қилишмоқда.

**КИМНИНГ «ОЛТИН»И КЎП?**

Олимпиадалар тарихида энг кўп «олтин» медалга АҚШ спортчилари сазовор бўлишган. 26 марта ўтказилган ёзги Олимпиаданинг 815 та «олтин» медалини америкалик спортчилар кўлга киритишган. Собиқ СССР терма жамоаси бу борада иккинчи ўринни (441 та «олтин» медал) эгаллаб турибди. Германияликлар 359 та, Буюк Британия спортчилари 170 та, францияликлар 161 та, италияликлар 159 та, швейцарияликлар 134 та «олтин» медалга эгалик қилишган.

Ўзбекистонлик спортчилар Олимпиаданинг 14 та «олтин», 13 та «кўмуш», 8 та «бронза» медалини кўлга киритишган. XXVI ёзги Олимпиадагача 36 нафар ҳамюртимиз Олимпиада ўйинлари майдонида чиқишга муваффақ бўлган эди. Ўтган йили Атлантада ўтказилган Олимпиада ўйинларида бир йўла 78 нафар спортчи из қатнашди.

**Халқ сўзи**  
13  
12  
апрель

**КАЛЕЙДОСКОП**

• Волейбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон туртинчи чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. 24 та учрашувнинг бор-йўғи 3 тасида мағлубиятга учраган Самарқанднинг «Кинал» жамоаси ҳар йилгидек яна чемпион бўлди. Иккинчи ўрин учун Қўқоннинг «Автомобили» ва чирчиқликлар жамоаси ўртасида кураш чемпионат давомида анча қизгин кечди. Асосан ёшлардан ташкил топган жамоада бироз тажриба, маҳорат етишмади. Натижада улар қўқонликлардан 6 очко ортда қолиб, «бронза» медали соҳиби бўлишди.



• Юнон-рим кураши бўйича Қозоғистон очик чемпионатида қатнашган спортчиларимиз орасида Григорий Пуляев (1-ўрин), Баҳодир Қурбонов (3-ўрин), Юрий Витт (3-ўрин), Зафар Очиллов (3-ўрин) ва Шермухаммад Қўзиёв (3-ўрин) совриндор бўлишди.



• Самарқандда муай-тай (тайландча бокс) бўйича мамлакат чемпионати якунланди. Жамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, тошкентликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи мукофотни Андижон ва Сурхондарё вакиллари ўзаро баҳам кўришди. Шахсий баҳсларда Дилшод Набиев, Алишер Тухтамишев ва Бахтиёр Сатторов ўз жанглари нокаут билан якунлашди.

• Республика биринчи ўсмирлар ўйинлари дастуридан ўрин олган самбо мусобақалари Урганч шаҳрида ўтказилди. Унда Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вакиллари жамоа ҳисобида юқори ўринларга кўтарилишди.

• Республика ўйинлари дастуридаги бокс мусобақалари Фарғонада бўлиб ўтди. Унда 200 нафарга яқин ёш «чарм кўлқоп» усталари қатнашди. Жамоа ҳисобида биринчи ўрин мезбонларга насиб этди. Фаҳрли иккинчи ва учинчи ўринларга Тошкент вилояти ва Тезикент шаҳри вакиллари сазовор бўлишди.




**КАЛЕЙДОСКОП**

**ЭНГ КУЧЛИ ЁН СПОРТЧИ**

Барча ёзги Олимпиадалар тарихида энг кўп медални ким кўлга киритган? Бу, кўпчилик спорт мухлисларини қизиқтиради, албатта. Қуйидаги рўйхатда бу борада энг кучли ён спортчининг номи, мамлакати, уларнинг Олимпиадалар майдонида қайси йиллар чиққанлиги ва кўлга киритган «олтин», «кўмуш», «бронза» медалларининг сони келтирилган.

№	Атлетнинг номи (мамлакат)	Йиллар	Сп. тур.	О	К	Б
1.	Лариса Латинина (Собиқ СССР)	1956-1964	(гимнастикачи)	9	5	4
2.	Паово Нурми (Финляндия)	1920-1928	(огир атлетикачи)	9	3	0
3.	Марк Спитц (АҚШ)	1968-1972	(сузувчи)	9	1	1
4.	Савао Като (Япония)	1968-1972	(гимнастикачи)	8	3	1
5.	Матт Блонди (АҚШ)	1984-1992	(сузувчи)	8	2	1
6.	Карл Льюис (АҚШ)	1984-1992	(енгил атлетикачи)	8	1	0
7.	Рэй Юри (АҚШ)	1900-1920	(енгил атлетикачи)	8	0	0
8.	Николай Андрианов (Собиқ СССР)	1972-1980	(гимнастикачи)	7	5	3
9.	Борис Шахлин (Собиқ СССР)	1956-1964	(гимнастикачи)	7	4	2
10.	Вера Чаславска (Чехия)	1960-1968	(гимнастикачи)	7	4	0

**Кейинги йилларда Наманган вилоятида миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий-маърифий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, қатагон йилларида вайронага айланган Мулла Бозор Охунд макбараси мажмуининг ўз ўрнида қайта тикланиши, вилоят марказида «Мерос» маданий-маърифий ва илмий маркази ташкил этилгани ҳамда қарийб эллик гектар майдонда Бобораҳим Машраб боғи бунёд этилгани ва бу ерда ҳар йили анъанавий машрабхонлик кўнлари ўтказилаётгани фикримизнинг далилидир. Айни пайтда бу маданий-маърифий масканлар миллий қадриятларимизни ардоқлаш, бой меросимизни ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, вилоятда яшаб ўтган алломалар ҳаёти, тарихий жойларни ўрганиш ва абадийлаштириш доим эътиборда. Яқинда илмий изланишлар натижасида Наманганда Хожа Аҳмад Яссавий авлодлари яшаб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқланди. Мухбиримиз бевосита шу иш билан шугулланган вилоят «Мерос» маданий-маърифий ва илмий маркази раҳбари Аҳмад УБАЙДУЛЛОХ билан суҳбатлашди.**



## ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ НАМАНГАНЛИК АВЛОДЛАРИ

ри, ҳазрат Имом Муҳаммад Ханафияга бориб тақалади. Шунинг учун улар жаноб пайгамбаримизнинг авлодларидан бўлишади.

Ибрат мазкур шажарада авлодларини санаб ўтаркан, Назр Хожа номли ўтмиш боболарига келганда шундай дейди: «... Назр Хожа ўғилла-

билан тугалланади ва унинг тўғрилигини тасдиқлаш маъносиде ўша даврнинг энг нафузли олимлари, ҳожилари, муфтийлари ва давлат одамлари ўз муҳр ва тамгаларини босганлар.

Муллақудинг қишлоғидан сал нарироқда ҳозирда ҳам

ри Неъматуллоҳ Хожадурлар. Аммо Неъматуллоҳ Хожа соҳибни кашфу каромат эдилар. Ҳазрат султон ул Орифийдан (Хожа Аҳмад Яссавийдан) тарбият топган. Алдоҳ таоло иродаси ва арвоҳлар башорати билан Тўрақўрғон қариясида мутаваққил бўлдилар. Ҳокими вилоятлари Муллақудинг қариясидан кўп ер назр қилди, анда хонақоҳ бино қилиб, худогўйлик била машғул бўлдилар. Охири вақтларда васият қилдилар: бизни ушбу ерга қўйунг, дедилар. Ул мавзенинг отини Қозоққўрғон дерлар, анда мадфун бўлдилар. Неъматуллоҳ Хожа эшоннинг уч ўғиллари бор эди. Қорабош Хожа, Кичкина Хожа ва Сунъатуллоҳ Хожа.

Неъматуллоҳ Хожа эшон ўз ҳаётликларида нисбатларини Сунъатуллоҳ Хожа ўғилларига бердилар ва жойнишин қилдилар. Ул уч ўғиллари ҳам ўз атрофларида мадфун бўлдилар. Сунъатуллоҳ Хожа эшоннинг ўғиллари Жунайдуллоҳ Хожа эшондир. Бул киши яхши олим бўлдилар ва Султон Уттариқат Хожа Аҳмад Яссавийнинг хилватхоналарида етти хилват (чилла хоналарда етти марта чилла) ўлтирдилар. Бу ерда муршидлик насибаси инъом бўлди ва хилватта ижозатлик бўлдилар. Аммо Жунайдуллоҳ Хожа эшондан кўп кишилар таълими тариқатда баҳраманд бўлдилар. Ушбу киши мазкур Қозоққўрғонга «Хилватхона» (Чиллахона) бино қилдилар. Неча муддат анда бўлиб, иродали субҳоний бирла Ҳарамайни-Шарифайн ва ҳаж иродасида Маккага -- ҳазрат Расули Акрам зиёратларига борурда Маккадин уч манзиллик мавзеси Зул-Кулайфа деган Арабистон ерида мадфун бўлдилар. Жунайдуллоҳ Хожа эшоннинг Қорабош Хожа эшон қизидан бўлгон икки ўғиллари бор эди. Бирини оти Исҳоқ Хожа ва бирини оти Ато Хожа эрди. Ушбулар Тўрақўрғон қариясида мутаваққил бўлдилар».

Шажара ана шу сўзлар

қабристон бўлиб турган бир жой бор. Бу жой ўша пайтларда Қозоққўрғон деб аталган. Ушбу кўҳна қабристонга кираверишда пастаккина қилиб қурилган кичкина, ихчам гумбазли бир бино бор. Мазкур бино мақбара, зиёратхона ва чиллахона вазифаларини ўтаб келган. Бу гумбазли бинонинг ёнгинасида атрофи панжара билан ўраб олинган бир неча қабр мавжуд. Мазкур қабрларга тегишли маълумотнома оғирлиги 300 килога яқин катта қабр тошига битилган бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар ёзиб қўйилган (тошдаги ёзувлар араб тилида бўлгани учун унинг таржимасини берамиз): «Бу қабр яхши хислатлар ва одатлар ҳамда кароматлар эгаси, етук ва комил Шайх Неъматуллоҳ Хожа Эшони Туркистонийникидир. У киши ҳижрий 1251 (1835) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Сунъатуллоҳ хожи Эшон ҳижрий 1267 (мелодий 1851) йилда қаза қилдилар. Булар Ҳазрат Султон Хожи Аҳмад Яссавий авлодларидандир. Уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Булардан бошқа яна Неъматуллоҳ Хожа авлодларидан бўлган Сунъатуллоҳ Хожанинг ўғиллари Атоуллоҳ Хожа Эшондир».

Юқоридаги ёзувлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, туркий халқларнинг Шайхул машойихи Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Неъматуллоҳ Хожа эшон Туркистондан Наманган заминига XVIII асрнинг иккинчи ярмида келиб ўрнашган. Шунингдек, мазкур қабрларда ётган мўътабар зотларнинг бири — машҳур олим, шоир ва матбаачи Исҳоқхон Ибратнинг катта бобоси, яна бири бобоси ва яна бири туғишган иниси эканлиги маълум бўлади.

«Халқ сўзи» мухбири  
Абдуҳошим МАДАТОВ  
ёзиб олди.

Вилоят маркази— Наманган қадимий шаҳарлардан бўлиб, у ҳақдаги илк маълумотлар X асрда ёзилган «Тазкираи Буғраҳоний» номли асарда учрайди. Аҳмад Фарғоний, Асируддин Ахсикатий, Абу Бакр Косоний, Махдуми Аъзам, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий сингари улуг зотлар таржимаи ҳоли шу шаҳар билан боғлиқ. Республикаимизнинг кўплаб вилоятларида бўлганидек, Наманган туманининг Муллақудинг қишлоғи ҳам узоқ тарихга эга.

«Муллақудинг» сўзининг келиб чиқиши ўзбек халқининг энг кўҳна ҳунармандчилик соҳаларидан бўлган қудингликлар касби билан боғлиқ. Қудингликлар бевосита тўқимачилик ҳунарига тегишли бўлиб, тўқиб тугатилган матоларга кили бериш, уни силлиқлаб, пардозлаш ишларини бажарувчи кишилар машғулоти саналган.

Муллақудинг қишлоғи ҳақидаги ёзма маълумотлар XVIII аср охиридаги манбаларда учрайди. Мазкур қишлоқда Нақшбандий тариқатининг кўзга кўринган пири муршидларидан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг инилари Садир Хожа авлодларидан бўлган Неъматуллоҳ Хожа яшаганлар ва шу қишлоқ ёнидаги Қозоққўрғон деган жойга дафн этилганлар. Кейинча-

лик у кишининг ёнларига авлодларидан уч киши ҳам дафн этилади. Асримизнинг 40-йилларида қатагонга учраган, қариган пайтида большевиклар мафкурасининг қурбони бўлган шоир, олим, ношир, хаттот ва тилшунос Исҳоқхон Ибрат Тўрақўрғоний ана шу авлоднинг сўнгги вакилларидан биридир.

Яқинда Ибратхон ўғиллари марҳум Робитхон аканинг уйларидан Ибратнинг ўз қўли билан гўзал ва чиройли қилиб, йирик хатларда ёзилган авлодлар шажараси топилди. Шажара ёзилган қоғознинг узунлиги бир қулочдан ортиқроқ, эни эса 30-35см. ҳажмда. Шажаранинг бошланиш қисми жимжимадор майда ўсимликсимон нақшлар билан рангдор қилиб зийнатланган. Тўрт ёнига бошдан-оёқ олтин ҳалли йўғон чизиклар тортилган, ром шакли ҳосил қилинган ҳамда улар орасида қора рангда хат ёзиш учун ингичка чизиклар мавжуд.

Исҳоқхон Ибрат мазкур шажарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан келиб, Наманган, Тўрақўрғон туманлари ҳудудларида ўрнашиб қолиши ҳақида муфассал маълумотлар беради. Ибрат ўз авлодлари шажарасини пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллаллоҳу алайҳи васалламдан бошлайди. Чунки бу авлод вакиллари Ҳазрат Алининг Рум маликаси Биби Ҳанифадан туғилган ўғилла-

Бахилнинг боғи кў-  
кармас, кўкарса ҳам мева  
бермас.

\*\*\*

Камтар кўнгли тоғ,  
бахил кўнгли доғ.

\*\*\*

Бировни қарғасанг,  
ўзинга урар.

\*\*\*

Ёмонга кун ҳам қо-  
ронгу, тун ҳам.

\*\*\*

Ўзинг сув ичадиган  
қудуққа тупурма.

\*\*\*

Каттага ҳурматда,  
кичikka иззатда бўл.

\*\*\*

Айтмас ерда оғзингни  
тий, меҳмонга борсанг  
нафсингни.

\*\*\*

### КЎҲНА ШАРҚ ЎИҚМАТЛАРИ

Ичкиликдан сақла-  
нинглар, чунки у барча  
ёмонликлар калитидир.

\*\*\*

Қачонки бирор гуноҳ  
иш қилиб қўйсанг,  
уни ювиш учун орқа-  
сидан бир савобли иш ҳам  
қилиб қўй.

\*\*\*

Хайрли ва савобли иш-  
лар инсонни турли ҳало-  
катлардан сақлайди.

\*\*\*

Жаноб пайгамбаримиз  
қачонки ёш болалар олди-  
дан ўтиб қолсалар, улар-  
дан олдин салом беришни  
канда қилмасдилар.

\*\*\*

Уч кундан ортиқ араз-  
лашиб юриш-Исломда йўқ.

\*\*\*

Яхшилик қўлингдан  
келмаса, ёмонлик қилма.

\*\*\*

Қалбинг роҳатда  
бўлишини истасанг, пок  
ва холис ниятли бўл.

\*\*\*

Ялқовлик муҳтож-  
ликнинг эшигидир.

\*\*\*

Биродарларингизга, хоҳ  
у зolim бўлсин, хоҳ маз-  
лум, ёрдам беринг.

Тўловчи:

У. АҲМЕТОВ.



# АБДУЛЛА АҚБАРОВ:

**«Кунлари кулгусиз утмасин!»**



— Абдулла ака, суҳбатимизни «А»дан бошласак...

— Абдулладан демоқчимисиз? Бемалол. Абдулла 1958 йилда Олтиариқ тумани Чинортаги маҳалласида оддий колхозчи оиласида таваллуд топган. Эл қатори мактабда, сўнг институтда ўқиди. Уйланди — битта хотинга. Уч нафар фарзанд кўрди — учовиям ўтил. Энди «Б»га, яъни қизиқчиликка қандай кириб келганимга ўтаверайми?

— Одатда саволи мен берардим, шекалли. Майли сазангиз ўлмасин, саволингизга жавоб бера қолинг.

— Отам тўйларда нонвойчилик қиларди. Мен, укам Аҳмадали унга ёрдамлашардим. Бир тўйга Муҳиддин қизик Дарвешов келиб қолди. Муҳиддин аканинг ҳангомаларини магнит тасмаларидан эшитиб юрардим-у, ўзини кўрмагандим. Дуппини чаккасига кўндирволиб ҳангомаларни айтиб кетди, тўйхонада кулавериб қорнини чангалламаган одам қолмади.

Шундан кейин менам дуппини чаккага қўйволиб машқини бошлаб юбордим. Утиришларда, тўйчаларда ўзимни синиб кўрдим: одамлар кулапти! Астойдил шуғуллана бошладим.

Фарғонадаги стадионда катта кулги кечаси бўлиб қолди. Томошабин сифатида бордим. Одам дегани ҳеч ерга сиймайди. Қизиқчиларам сероб. Таърифимиз кулоғига етиб борган эканми, бир пайт: «Олтиариқдан бир шогирдимиз чиқибди — даҳшат!

Номи Абдулла!» деб Муҳиддин ака мени катта саҳнага таклиф қилиб қолди. Ҳаяжон ичида саҳнага чиқдим, аммо қандай ҳангомалар айтдим, эслолмайман. Одамларнинг кулгани, устанинг «Баракалла! Баракалла!» дегани-ю, йиғлаганим эсимда!

— Энди битта савол берсам мумкинми? Қизиқчиликка ёшлиқдан қизиққан экансиз, нега энди химия-биология факультетига ўқишга кирдингиз?

— Отамнинг таниши ўша ерда бўлса мен нима қилай?

— Қизиқчи бўлганингиздан хурсандмисиз?

— Ҳам хурсандман, ҳам хафа. Хурсандлигим—биргина Олтиариқда юз элликка яқин қушиқчи бор экан. Қизиқчи сифатида фақат мени рўйхатга олишибди. Қолаверса, эл таниди, андак бўлса-да, халқимиз хурсандчилигига хурсандчилик қўшялман — керак-лигимдан хурсандман.

Қизиқчи дўстларимдаги андишасизлик мени андак хафа қилади.

Неча кунлаб, ҳафталаб ўйлаб, ҳатто ойлаб сиқилиб юриб янги бир нарсга яратасан. Уч-тўрт кун утмай шу яратган нарсангни бир қизиқчи дўстимиз «Янгисидан бор», деб телевизорда ёки катта томошада айтиб юборди! Бўғилиб кетаманда, шунақа пайтда.

— Ҳамма қизиқчиларимиз ҳам Муҳиддин акани ўзларига устоз деб билишди. «Бу ҳангома наманганлик шогирдим Рустам Ҳамроқуловники» ёки «Энди шогирдим Абдулла-даҳшатдан ҳангомалар айтиб бераман», деб сўз бошларди раҳматли. Устозларидан шу нарсга юкмаган экан-да, шогирдларига.

— Ҳа. Шунақа деб қўйса эгардан тушиб қолмайди. Обрўси ё Муҳиддин қизиқчилиги камайиб кетмасди. Қайтанга обрўси ошарди.

— Тўйлардаги хирапашчалар, яъни маст-аластларнинг «Янгисидан бўлсин! Яна битта эшитайлик!» деган хитобларини эшитганингизда ҳам қизиқчи бўлганингиздан хафа бўлиб кетсангиз керак?

— Йўқ. Тўй ўз номи билан — тўй. Туполон. Хирапашчаларнинг гапини кўнглимга олмайман, ҳазил-ҳузул билан ўтиб кетавера-

ман.

— Сир бўлмаса айтсангиз, тўйга неча пул берилса борасиз?

— Шу пайтгача палон сўм берасиз, деб айтмаганман. Эшигимдан чақириб келганининг ўзи менга етади: «Ният қилибди, худога шукур!» Йўқлаб келган одамнинг тўйига албатта, бораман. Яна бир бор шукур, Юсуфбек Ҳожи айтганидай «Бу эшикдан ҳеч ким ноумид кетмаган».

— Ўғилларингиз ичида қизиқчиликка қизиқгани борми?

— Уртанчи ўғлим — Ўлмасдан чиқса керак. Чунки у менданам шум.

— Демак, шум болалардан қизиқчи чиқар экан-да?

— Йўғ-э, артистликни қотиради демоқчиман.

— Тўйларда унча-мунча ичилади... Келивойимнинг бунга муносабати қандай?

— Ҳамма хотинлар қатори биззи хотинга ҳам жағдан берган. Аммо мен уни боллайман: жаврашни бошладим, чўнтакларимдан пулларни чиқариб санашни буюраман, қарабсизки мўмин-қобил бўлиб турибди-да!

— Шогирдлардан ҳам борми?

— Сероб. Ҳангомаларимни айтиб юрган, мени кўргандагина «устоз» дейдиган «шогирд»ларимни шогирд деб бўлса, сони бор, саноғи йўқ. Майли, ҳангомаларимни айтишаверсин, бизам Муҳиддин аканинг ҳангомаларини айтиб юриб «Абдулла» бўлганмиз. Фақат ўз номи билан ўзларидан бир дона бўлса-да, янгисидан қўшиб айтишсин! Бўлмаса қизиқчи эмас, нусха кўчирувчи бўлиб қолишади.

— Режаларингиз ҳақида савол берсам ҳам бўлаверар?

— Қизиқчилигимиз бугунга келиб жонланди. Муҳиддин ака орзу қилиб: «Ҳали кўрасан Абдулла, мени шогирдларим армия бўлиб кетади, мен унинг кўмондони бўламан», дерди раҳматли. Айтганидай, устоз сочган уруғлар униб чиқди, бутун бошли қизиқчилар армияси пайдо бўлди. Фақат кўмондон... Илойим, у кишини Худо раҳмат қилган бўлсин...

Нима демоқчиман, қизиқчилигимиз ривожланыпти. Аммо аския санъати, назимда, чўкиб кетаётганга ўшайди. Аскияни ривожлантириш учун машҳур аскиячи Мамасиддиқ Шираев бошчилигида «Олтин водий» номли аскиячилар гуруҳи тузди. Мансуржон Охунов, Ҳотамжон Ҳакимжонов сингари аскиячиларни унга таклиф қилдик. Яна кўп аскиячиларни тортмоқчимиз ва қўлдан келганча ўзбекнинг энг ноёб санъатини кўтаришга ҳаракат қилмоқчимиз.

— Сермазмун суҳбатингиз учун...

— Ие, ҳов, шошманг! «Қаҳқаҳа» мухлисларига тилакларимни айтмайманми?

— Э, дарвоқе, марҳамат!

— Илойим, кулгисиз кунлари бўлмасин. Бошлари тўй ташвишидан бўшамасин. Тўйларига хизмат қилаверайлик. Ана энди, «раҳмат» ден!

— Раҳмат.

— Сизгаям раҳмат!

# АБДУРАЙИМ ВА МАМАРАЙИМ Кимсасиз оролда

Самолётлари ҳалокатга учраб, Мамарайим билан Абдурайим қўлларига чемоданлари билан кимсасиз оролга тушиб қолишибди. Абдурайимнинг чемодани мева-чева, озиқ-овқатга, Мамарайимники эса пулга тўла эмиш. Дам ўтмай Мамарайимнинг қорни очиб, Абдурайимнинг озиқ-овқатларидан кўз узолмай қолибди. Охири чиқолмай:

— Огайни, менга ҳам бирор егудик бер, қорним жуда очқаб кетди, — дебди.

— Қорнингиз очқаб кетса менга нима? — Абдурайим лабини бурибди. Булар пулга келган. Пулини тўла, пажалиска!

— Неча пулдан?

— Мāнови товук гўшти беш минг сўм...

— Нима? Мана шу мушдай келадиган гўшт-а! Бозорда юз сўм ҳам турмайди-ку!

— Бу ер сенга бозорми? Кимсасиз орол! Қачон кутқариб олишади, тумон. Ҳали очликдан ўлиб кетамизми, худо билади. Олсанг шу, олмасанг катта кўча.

— Шу товукни беш минг сўмга олиб еганимдан кўра, оч-

дан ўлганим афзал! — деб бақарибди Мамарайим.

Аммо кўп ўтмай очлик устун кела бошлабди. Олиб ей деса, пулдан кўзи қиймайди... Шумликка ўтибди.

— Кел, огайни, бозор-бозор уйнаймиз, — дебди.

— У қанақа бўлади?

— Сен ҳамма нарсангни қатор қилиб териб қўйиб, сотувчи бўласан. Мен харидор бўлиб сотиб оламан.

— Ҳўп, майли, — деб Абдурайим ҳамма нарсасини қатор қилиб териб қўйибди.

Мамарайим — харидор келибди:

— Ие, ҳорманг огайни. Жа, маҳсулотлар сероб-ку, а? Неча пулдан экан?

— Мана бу ёғли патир юз сўмдан, тухумнинг донаси ҳам шу нарҳда. Помидорнинг kilosи икки юз эллик сўмдан. Олмага майли юз сўм берақолинг!

— Бозор-да, одамлар у ёққа ўтали—еб кўради, бу ёққа ўтали—еб кўради, маъкул келса олади. Еганга бозорда пул олмайдилар, шундайми? — сўрабди Мамарайим.

— Ҳа, шундоқ, бемалол еб кўравринг!

Мамарайим рухсат текканига хурсанд бўлиб, жон ҳолатда озиқ-овқатларга ўзини ташлабди. Бир пастда уларнинг титти-питтисини

чиқарибди. Очофатлик билан чайнамай ютаверган эканми, дам ўтмай қорни оғриб, пул тўла чемодани ҳам кўзига кўринмай чопиб қолибди. Қайтиб келса, чемодани йўқ эмиш.

— Ҳов, биродар, мана шу ерда мени чемоданим турганди, кўрмадингизми? — деб сўрабди.

— Э, бу ер бозор бўлса. Одамлар ака ўтали, бақа ўтали ҳовлиқиб, чемоданингизни мен қаёқдан билар! — жавоб қилибди Абдурайим.

Фалакнинг гардиши билан бир кун аёллар бир оролга, эркаклар бошқа оролга тушиб қолибди. Ун саккиз-йигирма беш ёшли қизиққон йигитлар дарҳол хитоб қилишибди:

— Шунақа қилиб ўтираверамизми?!

— Ҳа, нима қилайлик?

— Келинлар, сузиб уларнинг олдига ўтамиз!

Уттиз беш-қирқ беш яшар эркаклар уларга эътироз билдирибди:

— Сузиб ўтамиз, деб яна чўкиб кетмайлик.

— Нима қиламиз унда?

— Яхшиси олдин қайиқ ясайлик. Кейин унда шошмасдан сузиб ўтамиз!

Уларнинг ичида ўзимизнинг Абдурайим тоға билан Мамарайим тоға ҳам бор экан. Кексайиб

қолишмаганми, қўлларини пешоналарига соябон қилишволиб дермишлар:

— Сузиб ўтиш шартми?

— Шунга айт! Шу ерданам яхши кўринишяпти-ю!

Яна бир оролда ҳалокатдан кейин одамлар энди тупланиб туришган экан, Чингачук аскарлари билан келиб қолибди.

— Аёлларнинг ҳаммасини ўлдиринглар! — у аскарларига буйруқ қилибди. — Эркакларни асир олиб, кўрғонга ҳайданглар!

— Ҳов, ўртоқ Чингачук, — дебди бир аёл жон ҳолатда, — аёлларни ўлдириб нима қиласан?! Яхшиси эркакларни ўлдир. Аёллар бир кунингга яраб қолар...

Яхшиям Мамарайим тоға бор экан, дарров сўз қотибди: — Чингачук битта гапиради! Ҳар қанақа кунига ўзимиз ярайверамиз! Кўрғонингга бошла, Чингачук!

«САРАТОН» РЕКЛАМАСИ

Серҳосил ўзбек далаларида тамакиннинг энг олий навлари яратилади!

«Саратон»!..

Ҳақиқий шарқона лаззат!

«Саратон» чексангиз қаримасиз!

Чунки қаришга улгурмайсиз!

## НОС РЕКЛАМАСИ

Туғаб қолганда қаттиқ хумор қилгани каби,

Чекиб олгандан кейин бирор қолдир демагани каби, Тилингизнинг тагига худо сабр бергани каби,

Нос шубҳасиз бизникидир!

## «ПАНТЕН ПРАЗ» РЕКЛАМАСИ

Менинг сочларим ялтираб соғлом нур сочади.


«Нега шундай» дейсизми?

Чунки мен олдин сочларимни қатиқ билан ювар эдим. Сигиримиз сўздан чиқиб кетгандан кейин «Пантен прави»га ўтдим.

Менинг фарзандларим эса «Жондор» шампунидан фойдаланишади. Чунки уларнинг бошида жонли нарсалар бор.

Турмуш ўртоғим эса умуман шампундан фойдаланмайди. Чунки у... кал!

Самд АНВАР суҳбатлашди ва тўнлади.



**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**  
**А. УСМОНОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Мерос ва ҳадиятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодиёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Туғи муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Назбеган муҳаррирлар—  
И. Ўйбосаров, Н. Топев.  
Компьютерда саҳифаловчи—  
Рустам АЗИМОВ.